



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
Тарих факультети Умумий тарих кафедраси

IV босқич “А” гуруҳ талабаси

Маматазизова Раънонинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: X – XV АСРЛАРДАГИ ҒАРБҲИЙ ЕВРОПАДА ЗАРБ ЭТИЛГАН
ТАНГАЛАР.



Илмий раҳбар:

катта ўқитувчи Мусаев Д.

РЕЖА

КИРИШ

1. Ўрта асрларда Ғарбий Европа давлатларида товар пул муносабатларининг ривож.
2. Европа давлатларида зарбхоналарнинг ташкил этилиши ва савдо сотиқ ривожланишига таъсири.
3. Ўрта аср тангаларининг тарихий ашё сифатидаги аҳамияти.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришганидан сўнг жамият ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида кенг ўзгаришлар даври бошланди. Бу жараён интеллектуал соҳада ҳам ўз аксини топди. Айниқса энг асосий ижтимоий гуманитар фан ҳисобланган тарих фани олдига ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Чунки тарихнинг кўп саҳифалари бир томонлама тадқиқ қилиниб, хулоса қилинар эди. Бундан ташқари фаннинг айрим йўналишлари тарих фанининг ёрдамчи соҳаси сифатида талқин қилиниб, унга мустақил фан мақоми берилмаган эди.

Мустақиллик эълон қилинганч эса бу соҳада жуда кенг кўламдаги ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифаларнинг кўлами анча кенгайди. “Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Ҳозир шарқ балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмақда”¹.

Бирон бир жамият маънавий имкониятларни инсонлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Халқнинг маънавий қадриятлари маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб ҳизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тайзикқа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларни ҳамда ўзига хос анъаналарни сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида мероснианиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди². Маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан халқнинг маънавий сарчашмаларига унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён деб ҳисоблаймиз. Тарих хотираси халқнинг жонажон ўлканинг давлатимиз ҳудудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихни тиклаш миллий ўзликни англашни таъбир бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.

Тарихий тажриба анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим.

Халқимизнинг этник, маданият ва диний сабр бардоши маънавий уйғонишнинг яна бир битмас туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё хилма хил динлар маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр тоқат бағрикенглик ҳаёт бўронлайдан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди.

Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги бош маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик миллат ифтихор бутун дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди. Бу эса халқ руҳи қудратининг бирини белгисидир. Ўзбек халқи

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент.: 1998 й. 3-бет.

² Каримов И.А. XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент.: 1997 йил. 137- бет.

руҳининг тикланиши миллат маънавий ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар ўзига хослигини йўқотмаган ҳолда умумий руҳиятга ҳулқ атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий руҳий негизни вужудга келтиради.

Мустақиллик мамлакатимиз аҳолисининг билим доирасини кенгайтиради. Тарих ва ҳозирги замон воқеликларига мурожаат қилиш бизнинг ижтимоий тараққиётимиздан ҳаётни идрок этишнинг мавҳум ва ақидапарастлик қолипларини енгиб ўтишни мустақил фикр юритиш ва тўй бераётган ҳодисаларни баҳолай олиш қобилиятини талаб этди. Маънавий тикланиш фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб ижодий зиёлийларнинг пайдо бўлиши демакдир. “Бизнинг тушунишимизча қотиб қолган эскиақидалардан воз кечиш ўз тарихий ўтмишимиздан воз кечиш дегани эмас. Бу бир ёклама ва тор фикрлашдан воз кечиш демакдир”¹. Миллий тафаккур ўз тараққиётида маданий қурилиш вазифаларига дунё миқёсида ёндашиши бошқа халқларнинг тақдири уларнинг ўзаро муносабатлари билан яқиндан қизиқиши улар ҳаётининг энг теран нуқталаригача кириб бориши миллий манфаатларни ҳисобга олиш керак. Халқимизнинг келажаги энг аввало унинг ўзига маънавий қудратига ва миллий онгнинг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим.

Маънавий ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди. Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажақда янада равнақ топишимизнинг жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир.

Бугун биз тарихий бир даврда халқимиз ўз олдигаэзгу ва улуг мақсадлар қўйиб тинч осойишта ҳаёт кечираётган авваломбор ўз куч ва имкониятларига таяниб демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга қиритаётган бир замонда яшамокдамиз.

Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб азалий қадриятларимизга суяниб шу билан бирга тараққий этган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мана шундай олийжаноб интилишлар билан яшаётганимиз харқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани бундай имкониятларни барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз. Ана шу ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилинган ва қўллаб қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш кўхна қадриятларимиз, дину диёнатларимизни тиклаш ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, яъни жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олийжаноб, мақсадларга етишда хал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо уствор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим.

¹ Каримов И.А. ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент.: 1997 йил. 151- бет.

Эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон-қони ва суягига сингиб кетган. Унинг табиатига хос бўлган юксак маънавият неча асрларни бизни бало қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ омон асраб келмоқда. Ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота – боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан маънавий ҳаёт мезонлари, одоб ахлоқ, қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч қувват бағишлаб келмоқда.¹ Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш, тарзи маънавий қарашлари ўз-ўзидан бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга елиши ва ривожланишида аниқ тарихий табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу маънода халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган минг йиллар давомида шаклланган нафақат ўзаро муомала балки, ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз.

Эзгу одатларимизга айланиб кетган меҳр оқибат тушунчасини оладиган бўсак унингжуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу аввало инсоннинг инсон билан, қўшнини қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан энг муҳими шахснинг жамият билан уйғун яшабини, етим есир, бева бечора ва ногиронларга мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан беғараз ёрдам беришни англатувчи ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ушбу заминда истиқомат қиладиган инсонларнинг тарқоқ бўлиб яшашга имкони йўқ, табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи уларни шу руҳда тарбиялаган. Турмуш ва тафаккур тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган мана шундай азалий тушунчалар минтақамизда яшаб ўтган улуғ алломалар, мутафаккир зотларнинг қолдирган бебаҳо меросида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган².

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи ўзига хос урф одат ва анъаналари ҳаётий қадриятларидан айри холда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки маънавий мерос, маданий бойликлар кўхна тараҳай ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Инсон ўз тисолида ҳам моддий ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат яратганининг буюк ва сирли мўъжизасидаир, шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англашни тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала. Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу интилишларни рўёбга чиқариш унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий алоқани баъмисоли парвоз қиляётган қушнинг икки қанотига қиёсласак ўйлайманки ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон давлат ва жамият ҳаётида ўсиш, ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади. Биз истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида интилиб келган орзу мақсадлари ва замон талабларини дунёвий тараққиёт мезонларини ҳисобга олган холда жамиятимиз ҳаётида ана ша икки омилнинг уйғун тарзда ривожланишига алоҳида эътибор қаратдик.

Мустақиллик биз учун нафақат иқтисодий балки беқиёс маънавий имкониятлар манбаи эканини англаб мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини иқтисодий ижтимоий янгиланиш жараёнларини айнан шу асосда ташкил этишга устивор аҳамият бердик.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент.: “Маънавият”. 2008 й. 7-бет.

² Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент.: “Маънавият”. 2008 й. 9-бет.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тик ланиши бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф одатларимизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини энг муҳими жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқдир, бу жараён юртимизда ўта мураккаб шароитда мустақил шўро тузуми барбод бўлган ва янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган кескин бир вазиятда юз берди¹.

Жамиятимиз маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ жараёнларнинг мураккаб томони шундаки, бугунги кунда бошимиздан кечираётган ижтимоий сиёсий тараққиёт йўлида учрайдиган жуда кўп муаммоларни ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан фақат ўз кучимиз ва салоҳиятимизга таяниб ҳал этишга тўғри келмоқда. Шу мақсадда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда амалаг оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий натижаси ўлароқ адабиёт санъат маданият матбуот соҳаси мафкуравий тазийқдан бутунлай халос бўлганини қайд этиш жоиз. Ҳар қандай ижод намунаси баътий асар синфий бўлиши ва қандайдир ғояга, коммунистик мафкура манфаатларига ҳизмат қилиши керак деган қарашлар бугун ўтмишга айланди. Эркин ижод учун миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароит яратилди.

Бугунги кунда ўз ҳаётини ана шундай масулиятли соҳага бағишланган кўплаб истеъдод соҳиблари юртимизда янги ҳаёт, янги жамиятни мустаҳкамлаш, комил инсонни тарбиялаш йўлида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бундан ташқари жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишига миллат сифатида англаб етишига янада куч бахш этди. Кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратди. Алоқаларининг бундай натижасида мамлакатимизнинг мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди.

Ҳозир Ўзбекистонни 160 дан ортиқ давлатлар тан олган, дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилган Тошкентда 35 дан ортиқ мамлакат элчихонасини очган. Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда².

Бундай алоқаларнинг кенг миқёсда ривожланиб бориши, мамлакатимизда Ватан тарихи билан жаҳон тарихини, мукамал даражада ўрганишни талаб этади, чунки хориж давлатларини тарихи маданияти ва урф одатларини мукамал даражада ўрганиш жуда зарурдир. Шу боис Ватан тарихини ўрганиш билан бир қаторда жаҳон тарихини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис мен ҳам ўз битирув малакавий ишим мавзусини бир пайтлар тарихнинг ёрдамчи соҳаси сифатида ҳозирги кунда эса мустақил фан мақомига эга бўлган Нумизматика бўйича битирув малакавий ишни ёзишга киришдим.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент.: “Маънавият”. 2008 й. 77-бет.

² Каримов И.А. XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент.: 1997 йил. 236 - бет.

Нумизматика археология билан алоқадор фанлар жумласидандир. Нумизматика сўзи грекча “Nomista” яъни танга “пул”, чақа “пул” деган маънони англатади¹. Яъни тангалар олтин, кумуш, ва мисдан ишланган метал пулларни ўрганиш *** ва орден медал ва турли эсдалик тамгаларни ўрганиш (значоклар)-(фоперистика) ҳам кириади. Бундан бир неча замонлар илгари инсонлар танга ва чақа пуллар билан қизиққанлар, унга бирон бир нарса сотиб олиш нуқтаи назаридан эмас балки ўша танга чақаларга қараб ўтмиш тарихни ўрганиш нуқтаи назаридан, бу пуллар нинг қачон зарб қилинганлигини билишга ҳаракат қилиш нуқтаи назаридан қизиққанлар.

Танга ва чақа пуллар коллекциясини тўплаш илмий нумизматика томон қўйилган дастлабки қадам бўлди. Коллекционерлар турли замон ва даврлардаги танга ва чақаларни тўплаб уларни (каталог) рўйхатларини тузганлар, ҳар қайсисига алоҳида таъриф ёзганлар, коллекционерларнинг қўплиги қадимги тилларни билмаганликлари боис танга ва чақалардаги ҳатларни ўқишга ҳаракат қилишган.

Айримлари хатто тўплаган коллекцияларини бир жойга тўплаб умумий коллекция ташкил этганлар. Хатто Европанинг кўпчилик мамлакатларида саройда қиролик ҳузурида катта-катта танга пул коллекциялари тўпланиб, уларни сақлаш учун махсус “мюнхкаммералар” ташкил этганлар. Дастлабки тангалар доирасини кенгайтириш илмий нумизматикани вужудга келиши учун замин ярата бошлаган.

Тангаларнинг кўпайиши натижасида Нумизматика аста секин шунчаки коллекция тўплаш доирасидан чиқа бошлаган. Илмий Нумизматикани вужудга келиши дастлаб Вена шаҳрида истиқомат қилувчи Иосиф Иллариј Эккел (1737-1798) номи билан боғлиқдир. У биринчилардан бўлиб, “Қадимий танга пуллар ҳақидаги фан” номли 8 томлик асар ёзган, бу асарда 70 мингга яқин пулни аниқлаб туркумларга ажратган, аниқлаб ломанган танга пуллар тўғрисида гапирмаган уларни номаълум қаторига қўшиб қўйган, аммо у кўп тангаларни аниқлай олмаган.

Шарқ ва Ўрта Осиё мамлакатлари қадимги тарихни ўрганишда археология самарали бой манбаларни берган, улар ичида танга пуллар ҳам кўп бўлган, лекин уларни тадқиқ қилувчи бўлмаган. Россия фанлар академиясининг академиги Христиан Мартин Френ шарқий нумизматикага асос солган шахс ҳисобланади, у Қозон шаҳрида яшаб Олтин Ўрда хонлари томонидан зарб қилинган танга пулларни ўрганиш учун жуда бой материалга эга бўлган. Френ немис бўлганлиги боис уни тез орада Германияга чақиртиришган, йўл йўлақай Петербургда тўхтаган, бу ерда академияда тўпланган тангаларни кўргач уларни ташлаб кета олмаган, бутунлай Россияда қолиб бутун умрини шарқ тангаларини ўрганишга бағишлаган.

Танга пулларни дастлаб қаерда пайдо бўлганлигини айтиш мураккабдир, аммо танга пулни номи “монета” эллинларда туғилган, қадимги Римликлар худоларини ҳаммаси ер ва осмон подшоси Юпитер ва унинг хатини Юнон монетига бўйсунди деб билганлар. Монета мураббия деган маънони англатиб Римликлар маъбуда юнон монетани ҳурмат қилганлар ва унга атаб шаҳарнинг энг баланд жойига ибодатхона қурганлар, улар урушлардаги ғалабаларидан сўнг ўз маъбудаларига атаб қурбонликлар қилишган, хатто ўз пулларини фақат юнон монетаси ибодатхонасида зарб қилишга буйруқ берган. Шундан буён танга пуллар монета деб аталадиган бўлган. Қадимги дунёда танга пуллар фақат соф олтин ва кумушдан зарб қилинган, натижада улар мўрт бўлиб тезда ишқаланиб кетган. Шундан сўнг пуллар қотишмалар олтин, кумуш ёки мисга қалай аралаштирганлар. Ҳар бир ҳуқумдор бошқаларниқидан фарқ қиладиган танга пуллар зарб қилишган.

¹ Кабрин В.Б. Вспомогательные исторические дисциплины. Москва.: 1989 год. Стр-14.

Танга пулларни бетини ўраб турган доираси бўлади. Бу доирада ёзув ёки суръат бўлади. Нумизматлар бу ёзувни танга пулни легендаси деб атайдилар. Суръатларда подшолар худолар суръати зарб қилинади, бу суръат давлатни ёки подшоҳ мухрини акс эттиради.

Танга пулларни зарб қилишда икки хил усулдан фойдаланишган.

1. Метал эритилиб қолипга қуйилган.
2. Метални икки штемп орасига олиб қаттиқ сиқиш натижасида тайёрланган, ўнг томонида суръат, чап томонида хайвон суръати қуйилган.

Танганинг олд ўнг томони нумизматлар тилида Аверс (лотинча “адверсус”) сўзидан олинган бўлиб, кимгадир ёки нимагадир мурожаат маъносини билдиради.

Реверс – танганинг орқа чап томони ҳисобланган.

Гўрг – тангани икки томони ҳисобланган.

Мен ўз битирув малакавий ишимда эса ўрта асрларда ғарбий европа мамлакатларида зарб қилинган тангаларни ўрганмоқда.

1. Ўрта асрларда Ғарбий Европа давлатларида товар пул муносабатларининг ривож.

X-XI асрларда Ғарбий Европа мамлакатларининг кўпчилигида феодализм таркиб топиб, феодал ишлаб чиқариш усули Европа жамиятида ҳукмрон ишлаб чиқариш усули бўлиб, бу ишлаб чиқаришнинг характерли томонлари қуйидагилардан иборат эди; йирик ер эгалиги мавжуд бўлиб, деҳқонлар чек ерларга бириктирилган, натурал хўжалик ўрнатилган, қишлоқ хўжалик ва хунармандчилик техникаси паст даражада эди. Рим империяси истило қилинган вақтда варварлар ва ишлаб чиқариш кучларининг даражаси қандай бўлса Ғарбий Европа жамиятининг ишлаб чиқарувчи кучлари X асрда унга қараганда анча ривожланган эди. Бу вақтда қишлоқ хўжалигининг ривожини кўрсатадиган асосий нарсаси уч далали экиннинг тарқалиши эди. Уч далали система каролинглар давридаги ҳужжатларда (IX аср) ҳам тилга олинади.

X-XI асрларга келганда бу Европанинг бошқа мамлакатларига ҳам кенг тарқалган. Ўрта асрларда Европада қишлоқ хўжалигининг ютуқларини кўрсатадиган иккинчи нарсаси ўтлоқ қилиш боғдорчилик ва полизчилдикнинг ривожланганлиги эди. X-XII асрларда анлия ва Францияда агроном ёзувчилар бўлиб, уларнинг ҳосилни ошириш масалалари тўғрисидаги ёзган маҳсус трактлари сақланиб қолган. Ҳосилни оширишнинг биринчи шартини ер ҳайдашнинг сифатига боғлиқ эди. Шу учун бу даврда ер ҳайдашга кўпроқ эътибор берилган. Агар баҳргини экин учун бир марта ҳайдалса, кузгини экин учун икки хатто уч марта ҳайдалар эди. Шу билан бир қаторда илғорроқ помещьеларда ўғит ҳам ишлатила бошлаган.

Умуман олганда бу даврга келганда Ғарбий Европада аҳоли тез ўсди, натижада XI асрларга келиб янги ерларни ўзлаштириш заруратга айланди. Шу мақсад билан Европанинг деярли барча мамлакатларида ўрмонларни дарахтларни зўр бериб йиқитиш бошланган.

IX аср Каролинглар даврига доир ҳужжатларда маълум бўлишича крепостной деҳқонлар ўзларининг чек ерида ҳизмат қилиб эвазига ер эгасини ерига экин экиб берар эди, ёки натура тарзида, ёки пул тарзида рента тўланар эди. Сеньёр ўзига тегишли бўлган ерларни чек ер қилиб бўлиб беришни афзал деб билган, аммо тўланадиган

рентани кўпайтирган, ренталар натура ёки баршчина тарзида эмас, аммо пул рентаси жорий қилинган.

Феодалнинг мулки феодал ёки лен битта поместьедан бутун бошлиқ бир князлик хатто кироликдан ҳам ибрат бўлиши мумкин эди. Ҳар бир феодалнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эди, феодал ҳаммадан аввал деҳқонларга хос мажбуриятларни ўташ билан боғлиқ бўлган деҳқон мулкидан фарқ қилиб дворян мулки асл мулк эди. Феодал одатда муайян бир хизматни биринчи навбатда ҳарбий хизматни ўташ билан боғланган эди. Бу мулк наслдан – наслга мерос бўлиб ўтар эди.

Вассалларнинг асосий мажбурияти ҳарбий хизматни ўташдан иборат эди, бу 40 кунда қилиб белгиланган эди. Ҳарбий хизматдан ташқари вассаллар ўз сеньёрлари фойдасига яна баъзи фуқаролик хизматларини ҳам бажарар эди. Сеньёр бошқа вассалларни суд қилганда судда қатнашар ёки унинг саройида сарой ахли бўлиб хизмат қилар эди. Бундан ташқари вассал ўз сеньёрига ҳам маълум миқдорда пул тшлаб турар эди. Бу тўловларнинг энг каттаси наслий пошлина эди. Бу наслий пошлина рельеф деб аталиб, баъзи ҳолларда катта сўмmani ташкил этган. Англияда баронлардан олинадиган рельеф 1 минг фунт стерлингга етган.

Бутун мамлакатда феодаллар бир бутун қилиб боғланган шартнома системаси махсус маросимлар формасида мукаддаслаштирилар эди. Вассал феодал олишда гўё ўзини сеньёрнинг ҳомийлигига топширишини ифодалаган бўлиб, унинг олдида тиз чўкиб, кўпларини сеньёрнинг кўлига қўйиб ўзини унинг яъни сеньёрнинг одами деб атар эди. Бу одат Оммаж деб аталган, (французча home – одам деган сўздан олинган), сўнгра вассал махсус содиқлик қасами “Фуа” (французча – tol) ёд олинар эди¹.

Сеньёр вассалга тегишли феодал топширишни аломати сифатида унга махсус нарсалар берар эди. Вассалнинг ер участкасини белгиси сифатида бир қисм тупроқ, дарахтининг кичкина бир шохчаси, ўша ер участкасига қирадиган ўрмон белгиси сифатида дарахтнинг кичик бир шохчасини списокон ҳокимиятининг белгиси сифатида узук ҳамда ҳасса ва ҳаказоларни берар эди. Бу одат инвестирура деб аталган.

XI асрдан Европа тараққиётида муҳим жараён бошланган. Бу шундан иборат эдики, шаҳар ҳунармандчилик ва савдо марказига хусусий мулкчиликнинг янги илғор формалари тўпланган ва қишлоқдагидан фарқ қиладиган ишлаб чиқариш муносабатлари вужудга келган бир жойга айланган. Бу жараён кўпгина янги шаҳарларни вужудга келишида ва эски марказларнинг жонланишида намоён бўлди. Бу янги шаҳарлар ва эски марказлар бу вақтга қадар диний маъмурий жой фақат ҳарбийлар турадиган жой эди. Шу вақтдан бошлаб шаҳар ижтимоий тараққиётининг муҳим бир факторига айланди. Айниқса салб юришлар Ғарбий Европадаги халқларнинг ҳаётига анча таъсир кўрсатган.

Илк ўрта асрлардаги айрибошлаш савдо шундан иборат бўлганки, полистьелар ёки деҳқонлар ўз эҳтиёжларини қондирилганидан сўнг ортиб қолган маҳсулотларни бозорга олиб чиқиб сотар эдилар. Бу даврда черков ва монастырларга яқин жойларда анъанавий ярмаркалар бўлар эди. Аммо бу ярмаркаларда маҳаллий савдогарлар кам бўлиб, бошқа жойлардан яҳудий, византия, ломбардия, араблардан иборат бўлагн савдогарлар феодалларнинг ҳам қасрларига кириб у ерда зеби зийнат буюмлари, шарқ ҳунармандчилигида ишланган турли буюмлар, ширинликлар ва дориворларни сотар эди.

¹ История средних веков. Москва. 1956 год. Стр-52.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши деҳқончиликни ривожланиши, хунармандчиликни юксалиши аста секин алоҳида касб айрим гуруҳ кишиларининг асосий касби бўлиб, ажралиб чиқишга сабаб бўлган. Хунарманд ўз вақтини бутунлай хунарга сарф қила бошлайди. У қишлоқда алоқасини узган, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган жойга бориб ўрнашган.

Мустақил касб бўлиб ажралиб чиққан турли хунарлар ичида X-XI асрларда Европада икки хил хунар яъни темирчилик (пайдо бўлиб келаётган металлургия) ва мовут тўқиш (жун газлама ишлаб чиқариш) катта аҳамият касб этган. Темирдан ясалган курул асбоблар қишлоқ хўжалигида ҳам, ҳарбий соҳада ҳам зарур эди. Мовут ишлаб чиқарила бошлагандан кейин Европада жундан тўқилган кийим кенг тарқалди. Жундан тўқилган кийим ноқулай кийим бўлган, мўйна кийимни, шунингдек сифати совуқ фаслга унча тўғри келмайдиган каноп кийимини ҳам сиқиб чиқарди.

Қишлоқ хўжалигида қўйчиликнинг ривожланиши ишлаб чиқарувчи кучларни ўсганлигини кўрсатади. Бу янги саноатни мустаҳкамлаш учун зарур баъза эди. Металлургия саноатининг энг дастлабки районларидан бири Германиянинг Рейн бўйидаги ва юқори дунайдаги округлари эди. Финландия, Фрисландия ва шимолий Италия мовут саноатининг энг дастлабки ўчоқлари ҳисобланар эди. Бундай саноатда ишланган хунарманд тамомила шу ишга берилиши керак эди.

У таълим кўрган малакали хунарманандчиликнинг ўз олдига қўйган мақсади истеъмолчини бозор орқали таъмин қилиш эди. Шундай қилиб хунарманд майда товаришлаб чиқарувчига айланди, натижада у деҳқончиликдан алоқасини узиб шаҳар хунарымандига айланди. Хунарымандчиликни ривожланиши ва унинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши асосида Ўрта аср шаҳарлари пайдо бўлган¹.

XI асргача ҳам Европада шаҳарлар бор эди, аммо кўпчилиги Рим империясидан мерос бўлиб, бундай шаҳарлар Италия, Франция, Англия ҳамда Ғарбий ва Жанубий Германияда мавжуд эди. Италияда Рим, Флоренция, Милан, Францияда Париж, Лион, Марсел, Англияда Лондон, Германияда Ахен, Трир кёльн, Манц, Аусбург ва бошқалар эди. Аммо бу шаҳарлар савдо ишлаб чиқариш марказлари эмас эди, феодалларни резиденциялари ва ёки қалъалар эди, аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланар эди. Хунарымандчиликнинг ривожланиши ва унинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши орқасидагина эски рим шаҳарларида ҳаёт жонланиб, кўплаб яъни шаҳарлар пайдо бўлди. Янги шаҳарлар ҳар хил жойларда, феодалларни қасрлари атрофида (жумладан Ғарбий Европадаги ҳозирги шаҳар номларининг охирида кўп учрайдиган “бурч” қўшимчаси шуни кўрсатади), монастырлар атрофида (бундай шаҳарлар одатда “санкт” ёки “сон” ёки “сен” аёш ё сўзлари билан бошланади. Масалан: Сен жермен ва хоказо). Баъзан дарёдан ўтиш қулай бўлган жойларда (Англияда Оксфорд, Германияда Франкфурт Майн ва хоказо) пайдо бўлди.

Шаҳарнинг теваарак атрофдаги робон учун иқтисодий марказлик аҳамиятитобора ўсиб борди. Шаҳар бозорига мунтазам келиб турадиган деҳқонларни шаҳар хунарымандлари ўзлари ишлаб чиқарадиган саноат буюмлари билан таъминлаб турдилар. Шаҳар деҳқонлардан қишлоқ хўжалик хом ашёси сотиб олганлар.

Хунарымандчилик ва савдо маркази бўлган шаҳар қишлоқни савдо оборотига тортган ва қишлоқда ҳам товар пул муносабатларининг ривожланишига ёрдам берган.

Шаҳарлар Византия ва Шарқнинг ривожланган шаҳарлари билан мустаҳкам савдо алоқасини ўрнатган. Ўрта денгизда Генуя, Амальфи, пиза, Венеция каби

¹ История средних веков. Москва. 1956 год. Стр-78.

шаҳарлар алоҳида ўрин тутган. Венеция ва Бенуяда биринчилардан бўлиб флот қурилган. Жанубий Франциянинг Марсель Арль Нарбонна шаҳарлари ҳам актив иштирок этишган. Ислон шаҳарларидан Барселона Ўрта ер Денгизи савдосида актив иштирок этган.

Бундан ташқари XI асрда Европадаги савдо соҳасида иккинчи бир район ажралиб чиқиб, бу Шимолий денгиз бўлиб, маркази Нидерландия ҳисобланган. Италия, Жанубий Франция ва католония савдо ишларида асосий воситачилик вазифасини бажарган бўлса (яъни Италия, Франция ва Испания савдогарлари шарқ молларини сотиб олиб, кейин у молларни Европа мамлакатларига сотган бўлса) Нидерландия Шимолий Франция шаҳарлари ва Рейн бўйидаги немис шаҳарларининг халқаро кўламда кенг савдо ишларини олиб бориш учун ўз баъзалари бўлиб, бу баъзалар ўша шаҳарларнинг ўзида етиштирилаётган кўпгина миқдордаги ҳунармандчилик маҳсулотларидан иборат эди. Бу соҳада Гент, Брюгге, Илр, Аррес, Брюссел, Кёльн шаҳарлари етакчи бўлган.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасида савдо муносабатларини ўрнатилиши натижасида қишлоққа пул ҳўжалиги элементлари кириб борди, деҳқонлар тўловларни пул тарзида тўлашга киришди. XI асрда Европада бўш ётган ерларни шудгор қилиш муҳим вазифага айланди. Янги очилган ерларда янги қишлоқлар пайдо бўлди, даромадларни кўпайтиришга қизиққанлигидан феодалларни ўзлари “Ички колонизация” ҳомийлик қилганлар.

XII-XIII асрларда Ғарбий Европада шаҳарлар раванқ топди. Шаҳар саноати цех ҳунармандчилиги тартибидан иборат ўзига хос ташкилий формаларга эга бўлди. Савдо кенг тус олиб жанубдан шимолга ёйилди, бу эса савдогарларнинг гильдия ва ганзалардан иборат махсус иттифоқларнинг ташкил топишига сабаб бўлди. Шаҳарликлар қиролга маълум миқдорда солиқлар тўлар эди.

Англияда бундай тўловлар “Фирма” деб аталар эди. Шаҳарликларнинг шахсий ҳуқуқлари таъмин этилар эди. Шаҳарликларнинг ер мулки крепостной мулк деб эмас, балки эркин мулк ҳисобланар эди. Шаҳарда яшовчиларнинг ҳаммаси шахсан эркин кишилар деб эълон қилинар эди. Хатто шаҳарга қочиб келган крепостной ҳам агар улар шаҳарда бир йилу бир кун турса эркин кишилар қаторига кирар эди. “Шаҳар ҳавоси кишини эркин қилади” деган мақол шу даврда пайдо бўлган. Шаҳарликларга савдо қилиш эркинлиги, бозорлар қуриш цех ва гильдиялар ташкил қилиш ҳуқуқи берилар эди¹.

Цех ҳунармандчилиги ўрта асрлардаги саноат ишлаб чиқаришнинг асосий формаси эди. Уларнинг кўпчилиги XII асрнинг II ярмида XIII асрда хатто XIV асрнинг бошларида пайдо бўлган. Бу даврдаги ишлаб чиқаришда цехлар тақсимооти ўзига хос бир кўриниш эди.

XII-XIII асрларда Ғарбий Европада савдо соҳасида катта муваффақиятларга эришилган. Салиб юришлар натижасида Ўрта денгиз хавзаси кўпгина ютуқларга эришган савдо европанинг бошқа томонида шимолий денгиз билан Болтиқ денгизида ҳам жуда кенгайиб кетган шимолий денгиз билан Болтиқ денгизи шимолий герман шаҳарлари Нидерландия, Скандинавия мамлакатлари ва Новгород билан боғланган. Шимолий герман шаҳарларидан немис **бандаси** деб аталган савдо иттифоқи Любек, Гамбург, Брелин ва бошқаларни ўз ичига олган иттифоққа кирган шаҳарларнинг савдо обороти жуда ҳам катта бўлган.

¹ История средних веков. Москва. 1956 год. Стр-187.

XIII-XIV асрларда Ганза (80 та шаҳар) Европанинг шимолий шарқий қисмидаги мамлакатлар билан Скандинавия, Польша ва Россия билан кенг савдо алоқаларини олиб борган. Ганзачилар Шимолий ва Шарқий Европадан ўрмон ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (ғалла, балиқ, асал, канош, лоси, ёғоч смола, қора мой, мўйна, ва ҳоказолар) олиб кетиб унинг ўрнига бу ерга Ғарбий Европа хунармандлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни фландрия ва инглиз мовути немисларнинг метал буюмлари, француз виноси ва ҳоказоларни, шунингдек қисман Левантдан келтирилган моллар дориворлар, жануб мевалари шарқнинг зеби зийнат буюмлари ва ҳоказоларни олиб келишар эди. Шимолдаги (Блотикбўйи немис) савдо маркази билан жанубдаги (Ўрта денгиз) савдо маркази бир-бири билан асосан сув йўллари орқали боғланган эди. Германиядаги Рейн ва Эльба дарёлари Франциядаги Сена ва Рона дарёлари асосий сув йўллари эди. Пльп тоғларидаги бир қанча давонлар Сен Бернар, Сен Готард ва Бреннер муҳим савдо йўллари ҳисобланган.

XIII-XIV асрнинг I ярмида Европадаги турли мамлакатларнинг товарлари йиғиладиган ва савдо сотиқ ишлари авж олган жой Шампань ярмаркаси эди. Ярмаркалар шампандаги бир-биридан узоқ бўлмаган тўртта шаҳарда бўлиб, (Тура, Бри, Бар ва Ланьи) уларда йил бўйи савдо давом этган.

Шампаньдаги ярмаркалар (ярмаркани асл маъноси йилда бир марта савдо қилишдир) ўрта асрлар даврида вақти-вақти билан бўлиб турган савдодан янги замонга ҳос бўлган доимий мунтазам кундалик савдо оборотига ўтишнинг кўчма формаси бўлди.

Халқаро савдонинг ривожланиши билан Ғарбий Европада мунтазам суръатда пул операциялари олиб борадиган алоҳида муассаса сифатида банклар ҳам пайдо бўла бошлаган. Банк ишининг ривожланишида саррофлик муҳим роль ўйнаган. Чунки ҳар қандай ярмаркадаёки катта бозорда албатта сарроф бўлган. Ўрта асрларда фақат қирол томонидангина эмас балки катта феодаллар томонидан ҳам чиқариладиган (улар томонидан чиқарилган тарга чақа пулларнинг ҳақиқий қийматига эга бўлмай сохта пул ҳисобланар эди). Танга чақа пулларнинг қайматини сарроф аниқланар эди.

Сарроф пул айрибошлаш ва уни бир жойдан иккинчи жойга олиб борар эди, улар савдогарларни ортиқча маблағларининг сақлаб борар ва ўзларининг ортиқча пуллари билан савдогарларга қарз (кредит) берар эди. Биринчи баннирлар кўпроқ итальянлардан эди. “Банк”, “Кредит”, “Лобард”, “Банкростово” ва бошқа сўзлар асли итальянча бўлиб, кейин улар умумевропа миқёсида ишлатиладиган бўлган¹.

Флоренцияда папа курияси дароматларини ўсиши муносабати билан бу ерда банк иши ривож топди. Папалар Европадаги турли мамлакатларнинг руҳонийларидан оладиган даромадларини йиғиш ишини Флоренция банкларига топширар эдилар.

XIII-XIV асрларда Англиянинг ҳам иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлган. Бу Франция иқтисодидаги ўзгаришлардан бир неча баравар кескинроқ бўлди. Фландрия билан ва қитъадаги бошқа мамлакатлар билан қизғин савдо олиб бориш натижасида Инглиз қишлоғи бозор билан кенг боғланди. Улар ташқарига асосан юнг ва қисман дон чиқарган. Инглиз мовутини бир қисми итальянча чиқарилиб сотилар эди. Флоренция мовутчилари уни жуда қадрлаган. Шу билан биргаликда Англиянинг ўзида ҳам мовут саноати катта муваффақиятларга эришган. Инглиз шаҳарларининг ўсиши қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини дон, гўшт, сут, маҳсулотлари тери ва бошқаларни ҳам талаб этди.

¹ История средних веков. Москва. 1956 год. Стр-197.

Пул хўжалигининг ривожланиши Англияда крепостнойлик поместьенинг – манфнинг емирилишига сабаб бўлди. Лордлар баршчинани пул тарзида тўланадиган оброк билан алмаштиришни (коммутация қилиниши) фойдали деб билган. Шу билан бирга ўз қарамоғидаги ерни (доменни) кам ерли деҳқонлардан иборат бўлган ёлланма ишчилар меҳнати билан ишлайдиган бўлган. Баъзи лордлар ҳеч қандай хўжалик юритмай тайёр пул рентаси олишни афзал билиб, даменни ҳам ижарага берган. Коммутация XIII асрдаёқ катта муваффақиятларга эришган. XIV асрнинг биринчи ярмида бир қанча районларда баршчина бутунлай сиқиб чиқарилган.

Англиянинг шимолий–ғарбий районларида, қисман марказий районларида қўйчилик ривожланган бўлиб, бу ерларда коммутация кенг жорий қилинган. Ғаллакорликда катта роль ўйнаган ва махсулоти ташқарига чиқариб сотиладиган жанубий–шарқий графикларда бу жараён мулкдор деҳқонлар учун фойдали бўлган.

Натижада инглиз иқтисодиётининг ривожланиши жадаллашди. Мамлакат хўжалигида саноатнинг аҳамияти янада ортиди. Мовут саноатида катта муваффақиятларга эришилди. Шарқда Норич, Шимолда Бостон, Ўрта Англияда Нью-Бери, Жанубий Ғарбда Эксетер шаҳарлари катта саноат марказлари бўлиб, булар яхши навли мовут ишлаб чиқарар эди. Юнгдан ип йигириш, тўкиш, шаҳардан ташқари қишлоқларда дағал юнгдан тўқилган мовутлар ҳам жуда кўплаб чиқариладиган бўлди. Бу мовутларга кейин Фландрияда қўшинга ишлов бериладиган бўлди.

XV асрдаги инглиз дворянлари кескин суръатда икки қисмга бўлинган, бир қисми йирик феодаллардан иборат бўлиб, ўзи хўжалик юритмасдан доменни ҳаммасини ижарага берган, иккинчи қисми рицар ва жентълменлардан иборат бўлиб, ўрта ва майда дворянларни ташкил этган, улар ёлланма меҳнатни қувватлаб, дон ва юнг билан савдо қилган ўғилларини шаҳарга хунар ва савдо сотиқ ўрганиш учун юборган.

Болтқбўйини немислар томонидан истило этманидан сўнг шимолий немис шаҳарлари ривожланган. Бу шаҳарлар Шимолий денгиз савдо ишлари билан шуғулланган ва Ғарбий Европа мамлакатлари билан шимолий – шарқий Европа мамлакатлари ўртасида савдода васитачилик қилган¹.

XIV асрнинг ўрталарида шимолий Германия шаҳарлари Ганза иттифоқи деб аталган кудратли бир иттифоққа бирлашган. Бу иттифоққа 80 та шаҳар кирган. Бу нафақат иқтисодий балки сиёсий ҳам иттифоқ эди. Любекда уларни съездлари бўлиб турган. Ганза иттифоқи Ганза савдоси устидан ўз назоратини ўрнатишга ҳаракат қилган. Дания киролига қаттиқ зарба берган, Ганза шаҳарлари билан Дания ўртасида уч йил давом этган уруш 1370 йилда Штральзунд битими тузилиши билан тугади. Унга мвофиқ Дания кироли Ганза иттифоқини ишларига аралаштирдан бутунлай воз кечган ва Дания бўғозларида Ганза молларидан олинадиган савдо божларини анча камайтирди. Дания бўғозларини Ганза амалда монополия қилиб олди. Ганза XV асрнинг II ярмидаёқ тушкунликка учрай бошлайди. Ганза шаҳарлари билан савдо қиладиган мамлакатлар Англия, Швеция, Россия, ва бошқалар эндиликда ўз савдосини ривожлантириб, немисларнинг воситачилик садосига қарам бўлишни истамай қўйди. Лекин Ганза XIII-XVII асрларда ҳам қисман бўлсада ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

XIII-XVII асрлардаги Германияда шимолий шаҳарлар иттифоқидан ташқари жанубий шаҳарлар иттифоқи ҳам бор эди. Швабия иттифоқи Дунайнинг юқори оқимидаги 90 та шаҳарни ўз ичига олган эди. Бу шаҳарларга Аусбург, Ульм, Нюрнберг шаҳарлари бош бўлган, бу уч шаҳар катта саноат марказлари бўлиб уларда мовут, каноп, сурп, ип газлама ва металлургия саноати айниқса қурол ишлаб чиқариш саноати

¹ История средних веков. Москва. 1956 год. Стр-210.

ривожланган эди. Бу шаҳарлар Италия савдоси билан ҳам мустаҳкам боҳланган эди. Венецияда катта немис саройи бўлиб, немис моллари билан савдо сотиқ қилишнинг ҳаммаси шу саройда жамланган эди.

Ғарбда Рейн иттифоқи ҳам худди шундай саноат ва савдо шаҳарларининг иттифоқи эди. Бу иттифокқа Кёльн, Вормс, страсбург шаҳарлари ва Рейн дарёси қирғоқларидаги бошқа шаҳарлар яъни мовутчилик ишлари ва металл ишлаб чиқариш яхши ривож топган бошқа шаҳарлар кирган эди. Бу шаҳарлар Нидерландия, Франция ва Италия билан қизгин савдо сотиқ ишларини олиб борган.

1381 йили Швабия Иттифоқи билан Рейн Иттифоқи бирлашган шу йили бу иттифок Германиянинг княз феодаллари ўртасида уруш бошланишига сабаб бўлган, унда феодаллар вақтинча бирлашиб иттифокни енгган.

Шаҳарларнинг ривожланиши ва эльбанинг бу ёғидаги ерларни колонизация қилиниши натижасида Германия қишлоғининг тараққий этиши учун шароит вужудга келган. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучлар анча ўсди, уч далали усулнинг қатъий суръатда жорий қилиниши узумчиликнинг ривожланиши ва каноп, зағар бошқа ҳар хил техника ўсимликларини расм бўлиши шуни намоён этади.

Италия бу даврларда нотекис тараққий этган, унинг энг ривожланган қисми Шимолий районлар яъни ломбардия ва Тоскания шаҳарлари ҳисобланган. Энг йирик савдо шаҳарлари республикалари бўлган Генуя ва Венеция шу ерда эди. Саноати юксак даражада тараққий этган. Шаҳарлар орасида Милан ва Флоренция алоҳида ўрин тутди. Папа вилояти энг қолоқ ҳудуд эди.

XIII-XV асрлардаги Италиянинг шимолдаги шаҳар республикалари тараққий этган. Бу шаҳар республикаларининг ўзига хос ижтимоий ва сиёсий тузумини иккита шаҳар яққол гавдалантириб беради. Венеция шаҳар республикалик ҳолатидан мутлақо чиқиб йирик савдогарларнинг денгизларда савдо ишлари олиб борувчи давлатнинг намунасига айланган. Флоренция саноати энг кўп тараққий қилган марказ шу билан бирга уйғониш давридаги янги итальян маданиятининг асосий марказий шаҳри бўлиб қолган.

Венециянинг 3 минг савдо кемасидан иборат флоти бўлиб, унда 17 минг матрос хизмат қилган. Улар XV асрга келганда Ўрта денгизнинг шарқий ярмидаги савдо ишларини бутунлай деярли ўз қўлига киргизиб олган. Византия, Миср, Сурия ва Эгей денгизидаги ороллари савдо масаласида Венецияга бутунлай қарам эди. Венеция кемалари Ғарбий Европанинг Испания, Португалия, Жанубий Франция, Англия ва Нидерландиянинг говонларига ҳам доимо қатнаб турган. Венециянинг ўзи 200 минг қҳолига эга бўлган катта шаҳар бўлиб, бу фақат савдо сотиқ ишлари билангина эмас балки, саноат билан ҳам шуғулланар эди. Венециянинг мовутлари ва ипак буюмлари (тасбех, маржон ва ҳоказолар). Бутун Европага тарқалган ва шунингдек Шарқда ҳам кўплаб сотилар эди. Яқин Шарқнинг Ғарбий Европа билан олиб борган савдосида асосий воситачи бўлган Венеция Европада пул муомаласининг тараққий этишига катта таъсир этган. Венеция дунатлари қиш асрлар давомида Европада халқаро монета бўлиб хизмат қилган. Флоренция “Италия Афинаси” – Арно дарёси бўйига жойлашган. Бу шаҳар ўрта асрлар давомида ҳунармандчилик саноатининг йирик марказга айланди. Асосий бойлиги мовут ҳисобланган. Флоренцияни ўзида етиштирилган юнг XIII асрдаёқ мовут ишлаб чиқариш учун кифоя қилмай қолди. Юнги чет элларда Испания ва Жанубий Италиядан, хатто Англиядан олиб келинар эди.

XIV асрнинг ўрталарида Флоренцияда мануфактура типигаги йирик мовут мастерскойлари 200 дан ортиқ бўлиб, улар бир йилда ўнларга минг мовут ишлаб

чиқарар эди. Мовут ишлаб чиқаришдан ташқари, бу ерда ипак газламаларишлаб чиқариш ҳам жуда тараққий этган эди. Банк операциялари соҳасида ҳам Флоренция Генуя ва Венециядан ангча илгарилаб кетган эди. Римга қўшни бўлган Флоренциялик банкирлар папа курияси билан барвақтроқ алоқа боғланган эдилар. Папаларнинг даромадлари асосан Флоренция банкларидан келиб тушар эди. Папалар ўзларига тегишли бўлган черков солиқларини ёлғиз Италиядагина эмас балки Европанинг ҳамма мамлакатларида ҳам йиғиб олишни кўпинча Флоренция банкирларига топширар эди¹.

Флоренциянинг социал иқтисодий ва профессионал қиёфаси унинг ўзига хос цех системасида акс этди, булардан 7 таси “старший” цех бўлиб, улар бошқа мамлакатларидагига ўхшаш ўрта аср хунармандларининг одатдаги бирлашмалари бўлмай, балки тадбиркорларнинг, мануфактурачиларнинг, савдогарларнинг, банкирларнинг иттифоқлари эди, бир қисми энг юқори ҳақ тўлаб ишлайдиган интелегенция ихтисосидаги еттита “старший” цех таркибига, мовутчилар, юнг савдогарлари, ипакчилар, мўйначилар, банкирлар, врачлар ва юристлар (нотариуслар, адвокатлар ва бошқалар) киради. Флоренция аҳолисининг хийла қуйи қисми мануфактурачилардан иш олиб ўз уйларида ишлайдиган мануфактура ишчиларидан иборат бўлган, улар бирор цех ташкилотга эга бўлиш ҳукукидан маҳрум эди.

XIV-XV асрларда немис саноатида (айниқса кумуш казиб чиқариш) ва металлургия ривожланган Тироль, Гарц, Саксония ва Вестералия кон саноатининг марказлари ҳисобланар эди. Металлургия ишлаб чиқариши кўпроқ Рейн вилояти ва юқори Дунай шаҳарларида ривожланади. Тўқимачилик саноатининг турли соҳалари бўлган мовут тўқиш, зиғир тола, шойи тўқиш ва ип газлама саноати ҳам ўша вилоятларда кенг тараққий этади.

Фарбда Кёльн, Вормс, Ахен шаҳарлари жанубда эса Аусбург, Ньоренбург, ульм шаҳарлари энг йирик саноат марказлари эди. Саноатда ҳали асосан цех системаси устунлик қилар эди. Аммо кон саноатида ҳали асосан цех системаси устунлик қилади. Аммо кон саноатида хийла чуқур шахталар ишга солиниши муносабати билан мануфактура усули тобора кенграқ ёйилиб боради. Тўқимачилик саноатида сотиб олувчи ишлаб чиқарувчига ишлайдиган хонани мануфактура системаси тез ривожланиб боради.

Шу вақтда Германияда халқаро савдо сотиқ ишлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Унинг Италия Франция, Нидерландия, Англия, Скандинавия мамлакатлари Польша ва Россия билан олиб боргансавдоси муҳим ўрин тутати. Германия умумевропа савдосида боғловчи звено бўлиб, Европанинг жанубий-шимол билан жанубий-ғарбий мамлакатларни шимолий-шарқий мамлакатлар билан боғлар эди. Шимолий Германиянинг Ганзага қарашли Любек, Гамбург, Бремен ва бошқа шаҳарлари XV аср охирларида гарчи монополликни қўлдан берган бўлса ҳам шимолий савдода ҳар ҳолда асосий ўрин тутар эди. Рейн вилоятидаги шаҳарлар қўшни Нидерландиянинг иқтисодий тараққиёти билан мустаҳкам боғланган эди.

Швабия (юқори дукай) шаҳарлари билан олиб бориладиган савдодан фойда орттиришда давом этар эди, хатто буюк географик кашфиётлардан кейин ҳам бу мамлакат билан олиб борилган савдодда узоқ вақтларгача катта фойда олганлар.

XV асрнинг охирларида Германияда катта катта банк судхўрлик фирмалари мавжуд эди. Бу фирмаларнинг бир қисми маблағлари ишлаб чиқаришда (кўпроқ кон саноатида) банд бўлса, бир қисмини улар миператорга ва катта князларга қарз

¹ История средних веков. Москва. 1956 год. Стр-215.

беришган. Бу фирмалар ичида энг йириги Фуггерлар хонадони бўлган, унинг капибали бир неча миллион гульден ҳисобланган.

Германиянинг савдо саноат марказлари ўзига хос бир тарзда жойлашган эди. Улар мамлакатнинг чеккаларида бўлиб, иқтисодий жиҳатдан ички бозор лардан кўра кўпроқ (асосан) ташқи бозорлар билан боғланган эди.

2. Европа давлатларида зарбхоналарнинг ташкил этилиши ва савдо сотқ ривожланишига таъсири.

Қадимий Римликлар пул ва ҳайвонни “пекния” греклар эса “кетма” дейишган. Инглизча “импиктёуниэс” сўзи: “пули йўқ одам” дегани. Сўзма сўз таржима қилинса “ҳайвони йўқ” деган иаънони англатади. Дунёдаги кўпчилик халқларда ҳайвон бойликни билдирувчи восита бўлган. Толоернинг шъерларида қахрамонларнинг бойлиги ихтиёридаги чорваси билан белгиланган. Қадимий герман қабилаларининг бойлиги унинг қанча бош моли борлиги билан ўлчанган.

Серви Тули даврида зарб қилинган “ассни” Римдаги энг қадимий танга деб ҳисоблайдилар. Римликлар кумуш тангани эрамиздан аввалги 269 йилдан бошлаб, олтин тангаларни эса 50 йил кейин зарб қила бошлаганлар. Асосий пул бирлиги динор ҳисобланган. Эрамизнинг IV асридан солидлар пайдо бўлган, бир қадок олдиндан 96 дона танга ясаганлар.

Бошқа кўп мамлакатлардаги пул бирлигининг номи масалан итальян солди, француз суси, инглиз ва немис шиллинги ана ша солиддан келиб чиққан. Флоренция шаҳри таргаси флорин, норман князининг тангаларига лотинча қилиб ёзилган “Сит тиби, Христе датус квем туипсе речес дукатус” – яъни “Эй ҳукмдор Исо сен йўлга солган одамларгина сенга содиқ” деган иборадан дукат “цекка” (зарбхонадан) Венеция цехини, немисча Гольден (олтин) сўзидан-гульден, итальянча “гросс” (йўгон) сўзидан чехларнинг гроши, чехларнинг “грош”идан украинларнинг грошиси (пули) келиб чиққан. Ғарбий Европаларнинг “Талер” сўзидан “доллар” келиб чиққан. Тангалар ўз навбатида буларга сира ўхшамайдиган нарсаларга ҳам ном бўлиб қолган. Масалан: “газета” сўзи венецияликларнинг кичкинагина тангачаси “газетте” сўзидан олинган, дастлабки газеталар анашу тангагасотиган.

Европада саррофлар X асрда пайдо бўлган. Саррофнинг ўз вазифасини адо этишга ҳалол иш олиб боришига қасамёд қилганидан кейингина изн берилган. Аммо тангалар чиқарилиши билан бирга уни сохталаштириш ҳам вужудга келган. Франция қироли Филипп IV тарихга Филипп хушруй бўлибгина эмас балки қалбаки тангачи бўлиб ҳам кирган. Бу қирол ўз ҳазинасини кўпайтириш мақсадида тангаларни бузворган. Бу ҳақда шоир Данте ўз манзараларини тасвирлар экан, бошқа гуноҳкорлар қаторида Филиппни ҳам дўзахга жо қилган. Саррофнинг “банко” столи бозорда ҳам шаҳар майдонида ҳам ҳатто ибодатхонада ҳам ҳамиша ҳалойиқ қуршовида бўлган. Монтелье шаҳрининг бир ибодатхонасини “Сарроф биби Марям” ибодатхонаси деб атаганлар чунки у ерда банк бўлган. Бир шаҳардан иккинчи шаҳарга пул олиб бориш саррофни иши бўлган. Бир неча савдогарлардан топшириқ олиб қуролли карвон тузардида пулларни тегишли жойга етказар эди.

Шаҳарларда саррофларнинг пул сақлайдиган мустаҳкам сандиклари ва ажойиб хилматхоналари бўлар эди. Улар қоровул ёллаб оларди. Уларга қудратли ибодатхоналар мададкор бўлган, шу боис кўпчилик бадавлат шахслар пулларини сақлаш учун саррофларга бериб қўяр эди.

Қалбаки пул ясовчилар қадимдан пайдо бўлган. Қадимги Римда қалбаки пул ясовчи қулни қатл этганлар, агар фуқаро бўлса уни йирткич ҳайвонлар ейиш учун циркка берганлар, агар олий тоифага алоқадор бўлса бор мол-мулки тортиб олинган. Бу ерда қалбаки пул ясовчиларга қарши кураш шу даражага етиб боргани ҳукумат қалбаки пул ясовчиларга қарши курашга ҳатто қулларни ҳам тортганлар, қалбаки пул ясаган одамни айтиб берган қул, озод қилиниб, фуқароликка ўтказилган.

Ўрта асрларда Италиянинг Ломбардия вилоятида судхўрлик кенг авж олган. “Ломбардлар” – бир нарсасини гаровга олиб қарз берадиган жой, гаровхона шундан келиб чиққан¹.

Тангалардаги расм ва ёзувлар ажойиб ҳисобланиб бу суъатлар ва ёзувлар кўпгина қадимий халқлар ҳаётининг кўп томонларини ўрганишда ягона манба ҳисобланади. Вақт жуда кўп архитектура ва санъат ёдгорликларини емириб ташлади. Улардан баъзиларини харобаларигина сақланиб қолган, булар фақат тангадагина аввалги ҳолатларда сақланиб қолган. Тангадаги ҳайвонлар, қушлар ва ўсимликларнинг суръатини бўлиши пул ишлаган ўша мамлакатдаги ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами ҳақида маълумот беради. Масалан: Радос ороли аҳолиси ўз тангаларига атиргулни зарб қилганлар. Рим тангаларида “бўри уни эзиб турган Рем ва Ромул- Римнинг герби” тасвирланган. Жанговор воқеалар тасвири улуғ жанглар ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтиради, улар бўлиб ўтган воқеани аниқлашга имкон беради.

Тангалардаги сийсий курашлар одамларнинг бир-бирига муносабатлари ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Қироллар ва папалар ўртасидаги кураш узоқ йилларга чўзилган. Қироллар папаларни нозил одамлар деб ҳисоблаганлар. Папалар ҳам шу гаплар билан уларга жавоб қайтаришган. Франция қироли Людовик XII нинг тангаларида шу воқеалар акс эттирилган, у папа Юлий I га нафрат билан қараганлиги боис тангаларга “Вавилон номини йўқ қиламиз” деган ёзувларни ўйиб ёзишни буюрган, Вавилон ҳақида гапирганда қирол папа ҳукмронлигини кўзда тутган.

Папа турли хилдаги черковдаги воқеаларни ҳам қандай бўлмасин эслатишга ҳаракат қилган. Натижада тангаларда зарб эттирган. Масалан: Ян Гуснинг қатл этилиши муносабати билан танга чиқарилган. Ватикан ўз душмани устидан қилинган ғалабани шарафига махсус танга чиқаришни буюрган. Бу танганинг олд (оверс) томонига боғланиб ўтда қуйдираётган Ян Гус акс эттирилган. “Ворфолемей неча” муносабати билан ҳам черков танга чиқаришни буюрган. Танганинг олд (оверс) томонида қирғиннинг илхомчиси папа Григорий XIII суръати, иккинчи Роверс томонидан эса қилич ва бут кўтарган фаришта суйилган мурдалар олдида тургани, тасвирланган.

1556 йили Нидерландия испан қироли Филипп II нинг ҳукмронлиги даврида, оддий авом бўйсунмай бир неча бор қаршилик кўрсатди, натижада улар фақат қуроли кучи билангина ғалаба қилиб бўлмаслигини аниқлашгач, мустақиллик ва озодлик рамзи сифатида ўз тангасини зарб қилишган. Уларда танга зарб қиладиган штемпел бўлмаганлиги боис тангани картондан ишлаган.

Баъзи ҳолларда тангаларда фақат қиролларнигина эмас балки баъзи малика ворислар, қирол оиласининг бошқа аъзолари ҳам тасвирланган. Масалан: Римнинг

¹ Кучеренко Э.И. Используемая нумизматического материала в на уроках истории в школе. Казан. 1962 год. Стр-47.

баъзи тангаларида маликанинг суръати зарб этилган. Бундай тангалардан тузилган “портретлар галереяси” хотин-қизлар причёскасини ўрганишга хизмат қилади¹.

Ғарбий Европада Рим империяси инқирозидан сўнг бу ҳудудда кўплаб давлатлар вужудга келган фақат IX асрга келганда йирик давлатга бирлашиб буюк Карл даврида империяга асос солишган аммо турли халқлар элатеор кирганлиги боис, Вердан тақсимотидан сўнг, унинг неваралари ўртасида тақсимланган.

Ғарбий ерранк қироллиги ҳозирги Франция ерлари Карл Лиссийга насиб этган. Рейннинг шарқидаги ерлар (ҳозирги Германия) Людовик немисга теккан, Шимолий денгиз ва Италиядаги ерлар катта невараси Лотарга теккан. Кейинчалик Лотар давлатдан Нидерландия, Бельгия, Люксембург, Швецария ва Италия каби қиролликлар ажралиб чиққар.

Германиядан ҳам кейинги йилларда кўплаб қиролликлар ажралиб чиққан. 936-973 йиллари Оттон I Германияни герман миллатининг муқаддас Рим империяси деб эълон қилган ва 962 йилдан Римдаги папа Рим императори деб белгиланган.

XV асрларнинг охирига келиб Германиянинг ерлари таркибига Франция, Саксония, Швабия, Бовария ва австрия герцогликлари кирган. 1235 йил июлда Брауншвейг герцоглиги вужудга келган. XII аср ўрталаридаёқ герман императорларини сайлаш учун курфюрстлардан иборат, коллегия вужудга келган. Унга Манйц, Тир, Кельн, Саксониягерцог, Бронденбург, Марк графлиги, Чех кинязи ва граф Пфальцски ва Архиепископлар киришган.

1273 йил граф Рудольф гапспург иператор этиб сайланади. 1438 йилда Муқаддас Рим империясининг императорларини фақат Габсбурглар сайлаган.

Бу империя давлатларида кумуш конлари очилган ва ишлаб чиқилган. Натижада кумуш таргаларни янги турлари вужудга келган.

Кумуш тангалар билан тўлов амома оширилганида метални тортиш одати бўлган. Йирик ва ўртага тўловлар амалга оширилганида Маркларга тортиш одати бўлган, зарбланган тангалар ҳам худди шундай тўловларда тортилган чунки улар тоза кумушдан иборат бўлиб, унинг аҳамияти вазнида деб ҳисоблаган.

Шунинг учун Мира ва Марка номлари қисман тасаввурдаги ёки ҳисобланалиган тангалар деган маънони англатади.

Кумуш тангалар денарий ёки крейцер Германияда бу денарийлар пеннинг, феннинг деб номланган Денарийларнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки Ғарбий Европада XII асрдан бошлаб Германия, Нидерландия ва Англияда крест белги ўрнига юлдузнинг юлдузнинг қўйилиши муносабати юилан зарбланган тангалар стерлингги деган маънони англатади².

Араб ҳалифалигини инқирозга юз тутиши муносабати билан Россияга ҳам араб тангаларини келиши тўхтаган, унинг ўрнига XI асрнинг охири XII асрнинг бошларида Ғарбий Европанинг динарийлари кириб кела бошлаган. Бу динарийларда ҳар хил крест юлдузли динорлар, ҳар хил жиҳозлар, ҳар хил монограмма ва бошқалар тасвирланган. Дастлаб, бу тангаларнинг охирилиги 1,02 грамми ташкил этган диаметри эса 1,5 см бўлган.

¹ Кучеренко Э.И. Используемая нумизматического материала в на уроках истории в школе. Казан. 1962 год. Стр-55.

² Максимов М. Очерки о серебро. Москва.: 1981. – срт . 72.

Европада тангалар зарб қилина бошланиши билан тоғ кон ишлари ҳам жадаллашган. Гослар ва Брауншвейг, Люкенбург мана шундай шаҳарлардан ҳисобланган. Гослар шаҳрига 920 йили асос солинган бўлиб, (ҳозирги Реммольсберг) дастлаб бу шаҳар императорларнинг сеvimли ов қилиш жойлари ҳисобланган, бу ерда тоғ-кон ишларининг ўсиши натижасида янада тараққий этиб гуллаб яшнаган, империядан озод шаҳар мақомини олган, шандай мақомга эга бўлсада, аммо ўрта асрлар давомида йирик кумуш тангаларни етказиб берувчи манбалардан бири ҳисобланган.

Шу боис Гослар Германиянинг ички ва сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган, Браншвейг ва Лüneбург томонидан қилинган босқинчилик юришларининг объектига айланган.

Дастлаб Реммельсберликлар кумуш тангаларни император-ларни тангаларига ўхшатиб қайта зарб этишган. Бу тангаларнинг орқа томонига Римликлар томонидан шаҳарга берилган ном яъни “COLONIA” деган сўз туширилган.

Император Генрих XIII (1039-1056) Гослар шаҳрида 1050 йили ўз резиденциясини очган ундан илгарироқ эса 1047 йили Симон ва Чуда кумуш конларини асослаб бу шаҳарда зарбхона ташкил қилиб, динирийлар зарб қилинган, уларда шаҳарнинг хусусиятлари акс эттирилган.

1173 йиллардан Генрих Шертоғ-кон ишлари билан шуғулланиб, Горцега, Госларга ва Мельсбергга руда конларини эгаллаш учун босқинчилик юришлари уюштиради аммо эгаллай олмайди, аммо Вилдсмон ва Иеллер Фельдни эгаллайди. Шундан сўнг кон ишларини жадаллаштириб зарбхона ташкил этади. Натижада мана шу даврдан Ғарбий Европа ҳаётида янги типдаги тангалар пайдо бўлади. Булар Брактеатлар деб номланиб, жуда кўпол қилиб ишланган, олд оверс томонида шер, орқа реверс томонида шаҳар тасвирланган бўлиб, унинг оғирлиги 0,78 грамни ташкил этган.

Шу даврдан Ғарбий Европадаги кўплаб давлатларда Брактеатларни зарб этиш кенг тарқалди. Бу тангаларда айланасига “Otto Ma-c-no de Lippzina” деган ёзув акс эттирилган бўлиб, Маркк граф қўлида қилич ва шлёмда тасвирланган, бу тангаларнинг оғирлиги 0,95 грамни ташкил этган.

Брактеатлар билан бир қаторда немис давлатларида асосан Гесингда пфениглар залинган.

Брабанд Герцоглигини хотини софия Марк бург шаҳрида брактеатларни, Франенберг ва Эдереда эса пфенигларни зарб эттирган. Франенбург пфенигларида София портрети билан биргаликда китоб ва байроқ ушлаб турган ҳолда тасвирланган. Портрет атрофига эса “Sotia Dusus de” b (rabant) сўзлари битилган. Орқа (рeвeс) томонида эса черков ва унинг айланасига “VranKel” (erg) ёзувлари тасвирланган.

Франенбергдаги мавжуд конлардан фойдаланиш ишлари узоқ давом этган. Хатто бу ҳақда нумизматик ёдгорликлар ҳам мавжуддир. Хатто унга бағишлаб 1776 йили Франенбергда кумуш медал зарб қилиниб “из руй франненберга” деган ёзув тасвирланган. Шундан сўнг ўн йиллик танаффусдан кейин Гессеннинг мунтазам талерлари 1779 йилгача зарб қилинган.

3. Ўрта аср тангаларининг тарихий ашё сифатидаги аҳамияти.

Чехия ва Маровия давлатларида биринчи юз йилликда кумуш конлари топилмаган ва мунтазам равишда ишлаб чиқарилган, кейинроқ олтин ва кумуш конларини излаб топилиши билан, бундан ташқари улар ўрнини кумуш рудалари эгаллаган. Шу билан бир қаторда XII-XIII асрлар мобайнида кумуш Чехия давлатининг бойлик белгиси сифатида белгиланган. Бу дастлаб Прибирашамга тегишли бўлиб, XII аср ўрталаридан аввал Йигловага сўнгра Кутна тонга ўтган.

Прибирашам конидаги кумуш Рус князига тегишли ҳисобланган, натижада Светослав, Владимир даврида биринчи рус тангалари “сребренник” зарб қилинган. Унга “Владимир на стои, че его серебро” ёзуви туширилган.

Йиглова кумуш ва кўрғошин рух руда конлари бошқа жойларда ҳам мавжуд бўлган. Бу чехиянинг Мореня тепадигида жойлашгандир. Бу Йиглова, Галивчук, Брод ва Кунта тоғ конларидир. Йигловада кумуш казиболиб интенсив тарзда амалга оширилган, 1234 йилдан кейин жадаллик билан амалга оширилган.

Европада кумуш тоғ кон қидирув ишларини казиб олиш ва ишлаб чиқаришни гуллаб яшнаши айнан чехиянинг Йиглова шахрида бўлган бу ерда биринчи марта тарихда “тоғ кумуши” ишлаб чиқилган ва расмий ҳолатда тасдиқланган. Бу ҳолат бутун Ғарбий Европада тоғ кон ишларида етарли норма сифатида берилган. Ушбу санага бағишлаб, “Тоғ ҳуқуқига” бағишлаб 1949 йили Чехословакияда “700 йиллик” юбилей олтин тангалари зарб этилган¹.

XIV асрнинг бошларида Жанубий –ғарбда тезкорлик билан Праганинг Гроелалари муомалага киритилган. Бу тангалар аввалгиларидан анча йирик бўлиб, уларнинг оғирлиги 3,7 грамни ташкил этган (1 маркадан 60 та танга тайёрланган) диаметри эса 2,6 ва 3 см да бўлган. Бу тангалар асосан Чех қироли Вацлов II томонидан чиқарилган.

Шундан бошлаб барча муомаладаги динорийлар, майда тангалар, гривна сметкаларидан муомалада фойдаланиш бевосита таъқиқланган. Натижада тез орада “Гроша” асосий пул бирлиги сифатида кенг тарқалган. Ғарбий европанинг бошқа Франция, Германия, Литва каби давлатларига ҳам кенг тарқалган.

Аммо XVI асрга келганда Ғарбий Европа ҳаётида талерларнинг пайдо бўлиши, аввалги тангаларни тезда муомаладан чиқишига сабаб бўлган.

Тангалар зарб этилиши билан бир қаторда Ғарбий Европада тоғ кон ишлари жадаллаштириш борасида ҳам ислохотлар амалга амалга оширилган. Ушбу ислохот натижасида Чехияда XIII аср охирида Кутна Гор ҳудудида янги кумуш конлари мавжудлиги аниқланган. Бу конлар чехияда бошқа конлар билан биргаликда казиб олинган кумушнинг 1/3 қисмини Европага етказиб берган. Бу ерда кумуш казиб чиқариш ишлари азалдан мавжуд бўлиб, уни ишлаб чиқариш асосан 1280 йилдан кейин йўлга қўйилган.

XIV аср йилномаларидан шу нарса маълумки ушбу юз йиллик бошида 100минг Польша , Померания, Майсек ва Словакия аҳолиси шу иш билан банд бўлиб, Кутна тоғида кечасию кундузи кумуш казиб олиш ишлари олиб борилган, 60 минг кишилик кончилар посёлкаси мунтазам равишда ўсиб борган.

¹ Кучеренко Э.И. Нумизматика в школе. Казан. 1961 год. Стр-67.

Кирол Ваклов II (1278-1305 йиллар) ушбу ўлкани обод қилиш мақсадида Кутна тоғида қатъий режа асосида шаҳар қурилишини бошлайди, посёлка деворлари билан уланади. 1308 йили Кутна тоғ Қирол Генрих томонидан эркин шаҳар мақомига эга бўлади. XIV асрда эса Прагадан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

1290-1350 йилларда бу ерда йилига 20 тоннадан тоза кумуш қазиб чиқарилган. 1290 йилдан -1800 йилгача ҳаммаси бўлиб 2500 тонна тоза кумушни ташкил этган.

Словакия ўрта асрларда Венгрия таркибига кирган танга зарб этиш зарбхонаси эса кўпроқ асосан Кремницада бўлган. Дастлаб ёзма маълумотларга кўра олтин ва кумуш қазиб чиқариш Баян Истяницқ Яцинида бўлган (бу немисчасига Шемницы, венгер тилида Сепмец баня деб юритилган). Қирол бела бу ерга Германиядан руда қазувчиларни таклиф этган. 1328 йили қирол Карл Роберт кремниц посёлкасига озод қироллик шаҳри номини берган, бу шаҳар Венгрия бўйича буддадан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

1343-1344 йилларда Кремниц шаҳрида йил давомида 1(бир) тонна олтин, 3 (уч) тонна кумуш қазиб чиқарилган, шу боис бу ерда зарб хона ташкил қилиниб 1327 йил 17 мадан Венгриянинг грошалари зарб қилинган. 1329 йилдан бошлаб эса Прага грошалари сингари 1329 йилдан олтин дукатлар зарб қилина бошланган.

1338 йилдан бошлаб кумуш динарийлар зарб қилина бошланган. Сигизмунд (1387-1437 йиллар) динарийларнинг бир томонида крест тасвирининг туширган холда тангалар зарб этган. Кейинги зарб қилинган тангаларда эса (яъни динарийларда) мадонна тасвири ва унинг тўғрисида RG ва RB тасвирланган (бу Венгрчасига кермеж баня) Фердинанд I даврида бу харфлар Кремниец зарбхонасининг асосий белгисига айланган хатто йирик кумуш тангаларга ҳам жойлаштирилган.

Кремниец шаҳри ўзининг олтин ва кумуш тангаларини зарб этиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу ерда зарб қилинган тангаларда чиқарилган санаси ва шаҳри кўрсатилмаган. Олд (оверс) томонида Георг орқа (ревес) томонида елканли кема тасвири туширилган.

Францияда ҳам илк ўрта асрлардан бошлаб қирол феодаллар билан тангалар зарб этишда рикобатлашган, қирол бошқа герцог ва графларнинг танга чақа пул чиқаришини ва бу пулларни муомалада бўлишни бекор қилмагану лекин ўз вассалларини қирол томонидан чиқарилган танга пулни ўз территорияларига киргизишига ва бу пулнинг маҳаллий танга чақа пул билан баб-баравар юришини таъминлашга мажбур этган¹.

Натижада қиролнинг салмоқдор танга чақа пуллари феодалларнинг сифатсиз ишлаган танга чақаларини муомаладан сиқиб чиқарган. Оқибатда XIII асрнинг ўрталарида қиролнинг бюджети шакллана борган. Савдо саноатдан ва қирол поместьеларидан (иктисодий жиҳатдан ривожланган савдо сотқ районларидаги поместьелардан) унадиган даромадларнинг тобора ошиб боришидан ташқари Людовик IX феодалларнинг лендеяк муносабатларидан молия мақсадларида усталик билан фойдаланган.

Людовик IX даврида мустақил яшашни давом қилдирадиган феодал князлардан олинадиган вассаллик тўловларининг мақдори хаддан ташқари кўпдан кўп пул ундиргани каби, шаҳар коммуналаридан ҳам кўпдан кўп пул йиғиб олар эди. Черков ҳам қиролга совға тариқасида кўп пул беран эди. Бу даврда салб солиғи давлатнинг доимий солиғи бўлиб қолган эди. Бундай солиқдан йиғилган бойлик бевосита қирол ҳазинасига тушар эди. Қирол ҳазинасининг юксалаётганлигини кўрсатар эди.

¹ Кучеренко Э.Н. Нумизматика в школе. Казан. 1961. стр -70.

Мамлактнинг сиёсий жиҳатдан марказлашуви яъни пул хўжалигининг ривожлана бошлаши, шаҳарлар саноат ва савдонинг ўсиши натижасида юз берган марказлашув халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

Талант – бу ерда қадимги замонда энг йирик оғирлик ўлчови

Униция – тахминан 29,86 грамм.

Луадор – Франциядаги 20 франкка тенг тилла пул.

Вольверса Ғарбий Европада тангаларни зарб этиш тарихи 5 даврга бўлинади.

1. Қадимги давр 476 йилдан – VIII аср охирларига қадар яъни Рим империясининг инқирозга учрашидан феодализм қарор топгунга қадар.

2. Биринчи ўрта аср даври (768 йилдан – 1252 йилгача).

3. Иккинчи ўрта аср даври (1252-1450 йиллар).

4. Уйғониш даври (1450-1600 йиллар).

5. янги давр (1600- йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган давр).

Ғарбий Рим империясидаги ички сиёсий ҳолат герман қабилаларини кириб елишини янада тезлаштирган ва улар империянинг энг асосий шаҳарларини эгаллаган. Аммо иқтисодий ҳаётда Рим тангалари муомалада узоқ вақт сақланиб қолган, чунки Зииф ривожланган савдо муносабатларини қониқтирган. Кейинчалик зарб қилинган тангаларда ҳам дастлаб Рим таъсири кейинчалик эса Византия таъсири яққол намоён бўлган. Бу европа давлатларини империяга ҳали ҳам вассал эканлигини кўрсатувчи асосий жараён ҳисобланган. Бу тангалардаги ташқи кўриниш тасвирларнинг ёзувларининг яхши туширилмаслиги ва қуполлиги билан ажралиб турган.

Европада Меровелилар Византия намунасидаги олтин тангани зарб этишган, бу тангалардаги Византия олтин тангалардаги кўриниш кўчириб зарб қилинган бўлиб, нафақат ундаги ёзувлар балкитасвирлар ҳам аниқ туширилмаган.

Шарқ билан савдо муносабатларини яхши ривожланмаган-лиги, Европага қимматбаҳо металлларни келишини секинлаштирган. Шунинг учун I-VII асрларда Ғарбий Европа пул муомаласида асосан Рим динарийларидан фойдаланилган.

VIII-IX асрларда хўжалик соҳасидаги муносабатларда содир бўлган ўзгаришлар натижасида деҳқонларнинг эркинликлари янада мустаҳкамланган. Натурал хўжалик сақланиб қолган ҳолатида ҳам, савдо қадимги даврга нисбатан ўсган.

Оқибатда маҳаллий кумуш конларини қидириш ишлари ҳам яхшилана бошланиб, ўзларининг кумуш тангаларини зарб эта бошлашган. Савдо муносабатларининг тараққий этиши эса оҳирлик ва ўлчов бирликларида маълум бир хилликка талаб этган.

Буюк Карл 409,6 гр ташкил этган оғирлик бир лик ўлчовини киритган (Буюк Карл фунти деб номланган), ушбу фунтдан 240 та 1,705 граммли кумуш танга зарб қилдирган. (Бу Рим динарийларини ярмини ташкил этган). Янги ҳисоб бирлиги ҳам жорий қилиниб, 12 та янги динор солидни ташкил этган. (кейинчалик бу шиллинг). 1 солидни 20,46 граммга тенглаштириш мумкин бўлган. Зарб қилинган тангалардаги тасвирлар ҳали ҳам жуда ёмон бўлиб ўзининг қуполлиги билан ажралиб турган. IX асрга қадар тангаларни қироллар зарб қилишган сўнгра епископ ва бронлар ҳам

чиқаришган. Бундай намунадаги тангаларнинг орқа томонига “Religio xristiana” деган ёзув туширилган¹.

Буюк Карлнинг тангаларидаги айланасига ёзув туширилган бўлиб, “D(omin(us) n(oster) Karlus imp(erator) Avg(ustus) rex F(ranciae) etl(angobardorum)” шундай жойлаштирилган. Императорнинг тасвири эса Рим плаши ва Лавр япроқларида акс эттирилган. Бундай тангалар динарий деб номланган, ташқи кўринишига кўра Рим динарийларини эслатган. Юқоридаги ёзувдан шуни билиш мумкинкижаноб Карл император Август, франк ва Лакчобардларнинг қиролидир деганини англатган.

Карлдан сўнг бу кўпол ишланган тангаларда христианлик крести, давлат раҳбарини қўли ва зарб қилинган жой тасвирлана бошлаган. Оверс (олд) томонига қирол тасвири туширилиб, айланасига ёзув, орқа реверс томонига зарб қилинган жой кўрсатилган.

X асрда зарб қилинган тангаларда Христиан белгилари антиқ даврдагига нисбатан чиройлироқ тасвирланган.

Европада феодал тарқоклик даври бошланиши билан тангалардаги барон ва епископлар ўрнини мустақил феодаллар эгаллаган, улар қиролдан мустақил бўлиб, нафақат ўз қонунлари балки ўз тангаларини зарб қилишга киришганлар. Бу тангалар ҳам ташқи кўринишига кўра жуда содда ва кўпол қилиб ишланган.

Англияда эстерлинг деб номланган тангалар чиқарила бошланган. Эдуард I (1042-1066 йиллар) зарб эттирган. Олд томонида тож ва орқа томонига эса хоч тасвири туширилган.

Германияда эса XII асрдан бошлаб кумушдан ишланган танга брактатлар чиқарила бошланган.

Бутун ўрта асрлар давомида Европа хўжалиги натурал ҳарактер касб этиб, ҳеч қандай маҳсулотни чет бозори учун ишлаб чиқармаган аксинча, тери, ипак заргарлик маҳсулотлари, идишлар ва ойна ҳамда бошқа маҳсулотлар келтирилган. Бу маҳсулотлар учун фақат олтин ва кумушда тўловлар қилишган.

Савдодаги пассив ҳарактер, хўжаликдаги оғир ҳолат, қимматбаҳо металлларни четга чиқиб кетишига сабаб бўлган. Бундан ташқари 970 ва 1040 йиллардаги ҳосилсизлик, (Европа тарихида 48 марта бу жараён такрорланган) молиявий аҳволга жиддий таъсир ўтказган. Очiq юқумли касалликлар аҳолини камайишига сабаб бўлган. Шундай ҳолатларда, озиқ овқат маҳсулотларини олтин ва кумушга четдан олиб келишга мажбур бўлинган. Кон қазув ишлари эса, кескин пасайишига сабаб бўлган.

Бундай ҳолат танга зарб қилиш ишларига кескин таъсир кўрсатиб, оғирлиги ва сифатида кескин ўзгаришларга сабаб бўлган. 1,7 грамдан 1,1 грамгача савдо муносабатларини ривожланишида ҳам катта қийинчиликларга сабаб бўлган.

XI асрда Европада феодаллашиш жараёни якунига етиб, бўш ерларни ўзи қолмаган, шунда европада ривожланган Рицарлик, шарққа алам кўзлари билан боқиб янги ерларни эгаллашни мўлжаллаган. Крепостной деҳқонлар эса ўз ҳукмдорларига норозилик билан боқиб, шарққа юришларда эркинлик ва озодликни мўлжаллашган. Христиан черкови ҳам катта ваъдалар бериб, босқинчилик ҳолатидан салиб юришларини христиан диний шиорлар билан безатган.

¹ Кучеренко Э.Н. Нумизматика в школе. Казан. 1961. стр -72.

Салиб юришлари йирик феодал ва рицарларни янада бойитган, аммо иқтисодий натижалари эса ҳеч қандай намоён бўлмаган. Минглаб одамлар ўз хўжалигини ташлаб Шарқни бойликларини эгаллаш борасидаги ҳаёлий тасаввурлар ҳеч нарса инъом этмаган аммо Европаликлар Шарқнинг маданияти ва урф одатлари билан яқиндан танишиб, қишлоқ хўжалик, маданиятини ўзлаштириш имкониятига эга бўлишган. Бу юришлар йирик феодаллар черков ва рицарларни янада бойиши имкониятини берган, аммо оддий деҳқонларга ҳеч қандай нафи бўлмаган.

Шу билан бир қаторда европа савдосини ривожлантиришга имконият вужудга келтирган. Иккита асосий савдо районига асос солинган. Биринчиси Ўрта ер денгизи ҳавзасида Жанубий йўналиш вужудга келиб, Европа Шарқ билан савдо сотиқ муносабатларини вужудга келтирган. Иккинчиси эса шимолий йўналиш ҳисобланиб, Болтиқ ва Шимолий денгиз орқали Англия, Скандинавия давлатлари, Фландрея, шимолий немис ва рус давлатлари билан савдо қилиш имкониятини берган¹. Савдо сотиқ муносабатларини ўсиши шаҳарларда ҳунармандчилик ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш имкониятини берган. Қишлоқларга бундай муносабатлар жуда қийинчиликлар билан кириб борган. Ақтуал хўжалик кучли бўлган.

Шаҳарларда ёлланма меҳнатнинг қўлланилиши натижасида ҳунармандчилик марказлари ташкил қилинган.

Ҳунармандчилик ишлаб чиқариш муносабатларини ўсиши, тасвирий санъатни ҳам тараққий этиш имкониятини берган. Илгари қўпол ҳолатда ишланган брактеат тангалари, ҳақиқий санъат асари асосида ишланган намуналарга айланди.

Савдо сотиқ муносабатларини ривожланиш, бундан кейинги ҳолатда майда денарий ва бир қанча ноқулай бўлган тўлов воситаларида тараққий этиши катта қийинчиликлар пайдо бўлганлигини намоён этди. Шу боис муомалага қимматроқ бўлган олтиндан ишланган тангаларни муомалага киритишни талаб қилади.

Бундай тангалар жанубий савдо райони ҳисобланган, иқтисодий жиҳатдан кучли бўлган Италия шаҳарлари чиқарган. Булар салиб юришлардан кўп нарсаларни ўзлаштиришган. Венецияликлар 1203 йили 3,44 грамм 994 1/18 пробадаги олтин тангаларни чиқаришган. Бу тангада Христос тасвири туширилиб, бошқа томонига Маркани венеция дожига байроқ билан топшираётгани тасвирланган. “Дож” лотинча “дуks” деб номланган (дохий княз), шу боис танга “дукат” дейилган.

1252 йилдан Флоренция шаҳри ўз дукатларини зарб эта бошлаган, унда “Лилия” яъни шаҳар герби тасвирланган, шу боис Флоренция дукати “Флорин” деб номланган².

Феодал тарқоқлик, танга зарб этиш жараёнига ва унинг оғирлик бирликларига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Ҳар бир феодал бирлашмасида ҳар хил оғирликдаги танга бирлишмаларига эга бўлган тангалар муомала воситаси сифатида фойдалана бошланган. Киев, Смоленск, Новгород, Кремль гривеналари, вена бовария, баден, пруссия, чехия фунлари зарб этила бошланган. Зарб қилинган ҳар бир фунт ҳар хил оғирликда бўлиб кремниц дукати 3,55 грамми ташкил этган.

Венецияликларни зарб этган дукати Шарқда “цехин” деб номланиб, 700 йил давомида фойдаланиб келинган олтин универсал танга ҳисобланади. Голландияда у 1849 йилга қадар, Германияда 1871 йилгача, Австрияда эса 1 жаҳон урушига қадар зарб этиш давом этган.

¹ Кучеренко Э.Н. Нумизматика в школе. Казан. 1961. стр -74.

² Максимов М.О. Очерк о серебра. Москва. 1961 год. Стр-37.

Россияда эса “червонец” номидаги дукатлар Иван III давридан зарб этиш бошланиб, XIX аср охирига қадар зарб қилинган. Польша, Венгрия, Туркия, Миср ва Испанияда ҳам дукат червонецлар чиқарилган, Чехославакияда эса сўнгги дукатлар 1938 йили зарб қилинган.

Дукатларнинг мауомала воситаси сифатида ижтимоий иқтисодий ҳаётга қўшилиши натижасида нумизматика тарихининг иккинчи ўрта асрида янги даврни бошланишига сабаб бўлган. Бу давр тангалари Европанинг феодал тарқоқлигини жуда яхши юқори даражада ифодалаб берган, чунки ҳар бир шаҳар ёки феодал ўз тангаларини зарб эттирган. Бу ҳолат эса гарчи муваффақиятли бўлсада лекин савдо муносабатларига салбий таъсир кўрсатган, шу боис давлатлар, чегараларда доимий ҳолат пул алмаштирувчи саррофлар фаолияти кучайган.

Европа ҳаётида буржуазиянинг вужудга келиши, ички бозорни мустақамланиши, Америка ва Ҳиндистонни кашф этилиши, феодал тарқоқликни бартараф этиб марказлашган давлат ташкил этишни талаб эта бошлаган.

Марказлашган давлатларни ташкил топиши эса шаҳарлар мустақиллигини таъминлаб, ўз тангаларини зарб этиш имкониятини яратган, бир хил оғирлик ва қийматдаги тангаларни зарб этиш учун шароит пайдо бўлган. Буржуазия эса бутун европа учун ягона тангалар зарб этишни талаб қила бошлаган, савдо соҳасида кўпроқ фаолият кўрсатувчилар.

XVI асрнинг бошларида Европада янги тангаларга қарала бошлаган, уларнинг дастлабки 1518-1519 йиллари зарб қилиниб Чехиянинг тоғ конларида Яхимова қишлоғида чиқарилган. 28 грами чиқарилган йили ва жойи кўрсатилмаган тангалар чиқарилиб тарқалган. 1525 йил немис князларининг съездида сифат жиҳатидан бу танга бирлиги қабул қилиниб, бутун империя учун зарб қилишга келишишган. Кўп шаҳар ва давлатларда зарб қилишга келишишган. Кўп шаҳар ва давлатларда зарб қилина бошланган. Иоахимсталар номи анашу қишлоқ жой номидан олинган бўлиб, Европада унинг номини узунлиги ноқулайлик туғдирган. Шу боис улар номини иккинчи қисмини “Талер” кўпроқ қабул қилишган. Россияда эса “ефимкалар” деб номланган.

Мана шундай ҳолатда Талер ер шарида “скудо” Испанияда “Эскудо” деб номланган. Хатто океан орти мамлакатларида ҳам намоён бўлган. Жанубий Американинг Потози конидан қазиб олинган кумушдан 1545 йилдан бошлаб талерлар зарб қилиниб, “песо” (PESO) деб номлана бошланган¹. Скандинавия мамлакатларида эса “диллер” деб номланган, XVIII асрда АҚШ да эса доллар чиқарила бошланган.

XIX аср охирларида Японияда “иена”, Ҳитойда “юан” номида асосий пул бирлиги сифатида қабул қилинган. Америкада қимматбаҳо металлларнинг янги конларини топилиши, Европада олтин ва кумушнинг нархини пасайишига сабаб бўлган. Америка қимматбаҳо металлларидан 1545 йилдан 1800 йиллар ичида 823980509 та кумуш талер зарб қилинган. Блоивия олтин конларидан эса 1545-1875 йиллар ичида 204000 кг олтин қазиб чиқарилган.

Асосий қимматбаҳо металллар Мексикадан келтирилган. XIX асрнинг 90 йилларидан яна нги қимматбаҳо метал конлари очилиб, уларнинг сони мингдан ортиб кетган, асосийси кумуш конлари бўлиб, 11 та танга зарб қилувчи устахона ташкил қилинган. Мамлакат ташқи савдосини кумуш танга ташкил этиб, йилига 17232000 талер четга чиқарилган.

¹ Максимов М.О. Очерк о серебра. Москва. 1981 год. Стр-42.

XVI асрда Европага, аниқроғи Испанияга ўз мустамлакаларидан тангалар келтирилган. Ўрта асрларда янги метал конларининг очилиши натижасида кумуш қазиб чиқариш 6,8 баробар ошган. Европа пул муомаласида олтин ва кумуш миқдорини кўпайиши, қимматбаҳо металлларнинг нарҳини пасайишига, таверларнинг нарх навосини ошишига сабаб бўлган.

Талерларнинг олд томонига ҳукмдор тасвири, орқа томонида эса давлат герби ва зарб қилинган йили тасвирланган ва танганинг асосий кўринишидан ташвиқот сифатида фойдаланилган. Зарб қилинган медал тангаларда, сиёсий шиорлар, карикатуралар, хотира ва юбилей кунлари, саройлар, турли иншоотлар ва шаҳарнинг кўринишлари тасвирланган. Шаҳар аҳолисининг ўсиши Уйғониш даврида шаҳарларнинг ташқи кўринишида ўзгаришлар юз берган, шаҳар атрофи деворлар билан ўралиб, аҳолисининг асосий қисми 2-3 қаватли уйлар барпо этган.

Аҳоли сонини ўсиши билан бир қаторда Янги черковлар ҳам барпо этилган, унинг кўнғироқлари шаҳар ташқарисидан ҳам бемалол кўриниб турган.

Император Фердинанд II даврида чиқарилган талерларда Вена шаҳри тасвирланган. Храмлар, саройлар башнаси жуда яхши тасвирланиб, лотинча ёзув туширилган. (Столдица Августа Вена 1626 год). Вена шаҳри тасвирланиб, орқа томонига бургут, қилич, қиролнинг титули туширилиб, (Император цезар Фердинанд II германский, Венгрия ва Богелия кироли) деган ёзув туширилган.

Саксония курфюристи Иоан-Георг талерларни олд томонида унинг портрети ва титули, орқа томонида эса Саксония герби ва унинг таркибига кирувчи феодал мулкларнинг туғролари, шер, бир бошли бургут ва ҳоказо. Хатто 8 та рицарлик шлёмлари тасвирланган. Тангадаги ёзувда эса “муқаддас Рим” империясини тангасидир деган ёзув туширилган. Бу тангаларда феодал тарқоқликка хос бўлган иерархия, император, қироллик ва графлик жуда яхши тасвирланган. Уйғониш даври тангаларида юқори даражада бадий ютуқлардан фойдаланилганлиги намоён бўлган. Чунки Бенвенуто Челлини ва бошқа етакчи мастерларнинг ижодий ишлари тангалар зарб этиш ишларини антик санъат каби юқори даражага кўтариш имкониятини берди. Шунинг учун Уйғониш даври тангалари антик қаҳрамонлар ва мифологияси билан бевосита ҳамоханг тарзда тайёрланган.

Хулоса.

Ғарбий Европада Ғарбий Рим империяси 476 йили инкирозга учраганидан сўнг, унинг ўрнида кўплаб даврлар вужудга келган. Шу боис бу ерда тангаларни зарб этиш 5 даврга бўлинади.

1. Қадимги давр 476- VIII аср охирларига қадар Рим империясининг инкирозга учрашидан феодализм қарор топгунигача.

2. Биринчи ўрта аср даври (768 йилдан – 1252 йилгача).

3. Иккинчи ўрта аср даври (1252-1450 йиллар).

4. Уйғониш даври (1450-1600 йиллар).

5. Янги давр (1600 йилдан ҳозирги кунга қадар).

Ғарбий Рим империясига герман қабилаларининг кириб келиши, унинг инкирозини янада тезлаштирган. Аммо иқтисодий ҳаётда муомалада Рим тангалари узоқ вақтга қадар сақланиб қолган. Чунки заиф ривожланган савдо муносабатларини қониктирган. Кейинчалик зарб қилинган тангаларда ҳам Рим таъсири кейинчалик Византия таъсири узоқ вақт сақланиб қолган. Бу Европа давлатларини империяга ҳам вассал эканлигини кўрсатувчи асосий жараён ҳисобланган.

Европада Меровинлар Византия намунасидаги олтин тангаларни зарб этишган, улар Византия олтин тангалари кўринишида зарб қилинган бўлиб, нафақат ундаги ёзувлар балки тасвирлар ҳам аниқ туширилмаган. Шарқ билан савдо муносабатларини яхши ривожланмаганлиги, Европага қимматбаҳо металлларни келишини секинлаштирган, шу боис I-VIII асрларда Ғарбий Европада пул муомласида асосан Рим денарийларидан фойдаланилган.

VIII – IX асрларда хўжаликдаги ўзгаришлар натижасида деҳқонларнинг эркинликлари янада мустаҳкамланган, натурал хўжалик сақланиб қолган ҳолатда савдо ходими даврга нисбатан анча ўсган. Маҳаллий конларни қидириш ишлари ҳам, анча яхшиланган. Натижада ўзларини кумуш тангаларини зарб эта бошлаган. Савдо муносабатларини тараққий этиши оғирли ва ўлчов бирликларида маълум бир хилликни талаб эта бошлаган.

Франк кироли Буюк Карл 409.6 грамни ташкил этган оғирлик бирлик ўлчовини киритган (Буюк Карл фунти деб номланган) шу оғирлик ўлчовида 240 та 1.705 грамми кумуш танга зарб қилдирган (бу Рим динарийларини ярмини ташкил этган). Янги ҳисоб бирлиги жорий қилиниб 12 та янги динар солидни ташкил этган. (бу кейинчалик шилинг) 1 солид 20.46 грамни ташкил этган.

Тангалардаги тасвирлар ҳам ёмон бўлиб, тангалар кўполлиги билан ажралиб турган. IX асрга қадар европа тангаларини орқа томонга “Religio Xristana” деган ёзув туширилган.

Буюк Карлни тангаларида ҳам ёзув туширилиб, император тасвири Рим плаши ва Ловр япроқлари акс эттирилган, бундай намунадаги тангалар денарийлар деб номланиб, Рим динарийларини эслатган. Ёзувида эса жаноб Карл император Август Френ ва Лангобардларнинг кироли деган жумла акс этган.

Шундан сўнг бу кўпол ишланган тангаларда Христианлик дини крести, давлат раҳбарини номи ва зарб қилинган жой тасвирланган.

Х аср тангаларида Христиан дини белгиси антик даврдагига нисбатан чиройлироқ тасвирланган.

Европада феодал тарқоқлик даврини бошлаши билан тангалардаги барон ва селископлар ўрнини мустақил феодаллар эгаллаган. Улар ўз тангаларини зарб қилишга кирилган. Бу тангалар ҳам ташқи кўринишига кўра жуда содда ва кўпол қилиб ишланган.

Англияда Эстерлинг деб номланган тангалар чиқарила бошланган. Эдуард I (1042-1066) зарб қилган тангаларни олд томонида тож ва орқа томонида хоч тасвири туширилган.

Германияда XII асрдан бошлаб кумушдан ишланган брактеатлар чиқарила бошланган.

Бутун ўрта асрлар давомида Европа хўжалиги натурал характер касб этиб, ҳеч қандай маҳсулотни ташқи бозор учун ишлаб чиқарилмаган, аксинча тери, ипак, зарганлик маҳсулотлари, ойна ва бошқа маҳсулотлар олтин ва кумуш ҳисобига четдан келтирилган. Савдони бундай пассив кўриниш қимматбаҳо металлларни четга чиқиб кетишига сабаб бўлган. Табиий иқтисодий ҳолат (ҳосилсизлик) ҳам жиддий таъсир кўрсатган.

Бундай ҳолат танга зарб этиш ишлари жиддий таъсир кўрсатиб, оғирлик ва сифатида ўзгаришларга сабаб бўлган, 1,7 грамдан, 1,1 грамгача хатто 0,7 грамга тушиб қолган. Бундай тангалар савдо муносабатларини ривожланишига ҳам жиддий таъсир кўрсатган.

Салиб юришлари Европа савдосини ривожлантиришга имконият вужудга келтирган. Натижада иккита савдо районига асос солинган, биринчиси Ўрта ер денгизи ҳавзасида жанубий йўналиш бўлиб, Шарқ билан савдо муносабатларини вужудга келтирган. Иккинчиси шимолий йўналиш ҳисобланиб Болтиқ ва Шимолий денгиз орқали Англия, Скандинавия давлатлари, Фландрия шимолий немис ва рус давлати билан савдо қилиш имкониятини берган.

Шаҳарларда ҳунармандчилик ишлаб чиқариш муносабатларини ўсиши, тасвирий санъатни ҳам тараққий этиш имкониятини берган. Илгари кўпол ҳолатда ишланган брактеат тангалар ҳақиқий санъат асари асосида ишланган намуналарга айланган.

Савдо сотиқ муносабатларини ривожланиши бундан кейинги ҳолатда майда денарий ва бир қанча ноқулай бўлган тўлов воситаларида давом этишини намоён бўлиши катта қийинчиликларга сабаб бўлган. Шу боис муомалага киритишни талаб қилган.

Бундай намунадаги тангаларни дастлаб жанубий савдо райони ҳисобланган, иқтисодий жиҳатдан кучли бўлган Италия шаҳарлари зарб этилган, улар салиб юришларидан кўп нарсани ўзлаштиришган. Венециянинг олтин тангаларини бир томонида Христос тасвири туширилиб, яна маркани Венеция дожага байроқ билан топшираётгани тасвирланган “Дож” хоким-лотинча “дукс” деб номланган шу боис танга декат деб аталган.

Шундан сўнг Флоренция шаҳри ўз дукатларини зарб қилган, унда “Лилия” яъни шаҳар герби тасвирланган, шу боис Флоренция дукати Флорин деб номланган.

1273 йили граф Рудольф Габсбург император этиб сайланди. 1438 йилдан Мукаддас Рим императорларини фақат Габсбурглар сайлаган. Бу империя давлатларида кумуш конлари очилиб, ишлаб чиқилган, натижада кумуш таргаларни янги турлари пайдо бўла бошлаган.

Кумуш тангалар билан тўлов амалга оширилганида метални тортиш одам бўлиб, йирик ёки ўртача тўлов амалга оширилганида маркаларга тортиш одати бўлган. Зарбланган тангалар ҳам шундай тўловларда тортилган чунки тангалар тоза кумушдан иборат бўлиб, уни аҳамияти вазнида деб қаралган. Шу боис Лира ва Марка деган номлар қисман тасаввурдаги ёки ҳисобланадиган тангалар деган маънони англатган.

Кумуш тангалар декарий ёки крейцер Германияда бу денарийлар пеннинг, феннинг деб номланган, денарийларнинг яна бир томони ғарбий европада XII асрдан бошлаб Германия, Нидерландия ва Англияда тангалардаги крест белги ўрнига юлдузнинг қўйилиши муносабати билан “Стерлингги” деган маънони вужудга келтирган.

Феодал тарқоқлик танга зарб этиш жараёнига ва унинг оғирлик бирликларига салбий таъсир кўрсатган. Ҳар бир феодал бирлашмасида ҳар хил оғирлик деган танга бирликларига эга бўлган тангалар муомала воситаси сифатида фойдалана бошланган.

Венецияликларни зарб қилган дукати шарқ ва цехин деб номланиб деярли 700 йил давомида фойдаланиб келинган олтин универсал танга ҳисобланган. Голландияда 1849 йилгача, Германияда 1971 йилгача, Австрияда I жаҳон урушига қадар зарб этиш давом этган.

Дукатларнинг муомала воситаси сифатида ижтимоий иқтисодий ҳаётга кириб келиши натижасида нумизматика тарихини иккинчи ўрта асрида янги даврни бошланишига сабаб бўлган. Бу давр тангалари Европанинг феодал тарқоқлигини жуда юқори даражада ифодалаб берган, чунки ҳар бир шаҳар ёки феодал ўз тангаларини зарб эттирган. Бундай муваффақиятли кўринсада лекин савдо муносабатларига салбий таъсир кўрсатган шу билан давлатлар чегараларида доимий ҳолатда пул алмаштирувчи саррофлар фаолиятини янада кучайтирган.

Европа ижтимоий сиёсий ҳаётида буржуазиянинг вужудга келиши, ички бозорни мустахкамланиши, Америка ва Ҳиндистонни қаф этилиши, феодал тарқоқликни бартараф этиб, марказлашган давлатлар ташкил қилишни талаб эта бошлаган. Бундай давлатларни ташкил топиши шаҳарлар мустақиллигини таъминлаб ўз тангаларини зарб этиш имкониятини берган. Натижада бир хил оғирлак ва қийматдаги тангаларни зарб этиш учун шароит вужудга келган. Савдо сотиқ буржуазияси бутун Европа учун ягона тангалар зарб этишни талаб қила бошлаган.

XVI асрнинг бошларида Европада янги намунадаги тангалар чиқарила бошланган уларнинг бастлабкиси 1518-1519 йилларда чиқарилиб Чехиянинг тоғ конларида Яхимова қишлоғида зарб қилинган, жой номига нисбатан Иоахимсталар деб номланган. 28 грамли чиқарилган йили ва жойи кўрсатилмаган тангалар чиқариш тарқалган. 1525 йили немис князларининг съездида сифат жиҳатидан бу танга бирлиги қабул қилиниб бутун империя учун зарб қилишга келишилган. Танганинг номи узун бўлганлиги боис Европада ноқулайлик туғдирган шу боис улар танганинг иккинчи қисмини талерни кўпроқ қабул қилишган. Россияда бу “Ефимка” деб номланган.

Мана шундай ҳолатда талер ер шарида зафарли юришини бошлаган. Францияда “Экю”, Италияда “скудо”, Испанияда “Эскудо” деб номланган. Скандинавия

мамлакатларида “даллер” деб номланган, XVIII асрда АҚШда талерга ўхшатиб “доллорга” асос солинган.

XIX асрда Японияда “иена”, Хитойда “юан” номида асосий пул бирлиги сифатида қабул қилинган.

Талернинг олд томонига ҳукмдор тасвири орқа томонида давлат герби ва зарб қилинган йили туширилган. Танганинг асосий кўринишидан ташвиқотчи сифатида фойдаланилган. Зарб қилинган медал ва тангаларда сиёсий шиорлар карикатуралар хотира ва юбилей кунлари, саройлар, турли иншоотлар ва шаҳарнинг кўринишлари тасвирланган.

Қолайверса Уйғониш даври тангаларида юқори даражадаги бадиий ютуқлардан фойдаланилганлиги намоён бўлган. Чунки Бенвенуто Челлинини ва етакчи мутахассисларнинг ижодий ишлари танга зарб этиш ишларини ҳам аниқ санъат каби юқори даражага кўтариш имконини берган. Шунинг учун Уйғониш даври тангалари аниқ қаҳрамонлар мифологияси билан бевосита ҳамоҳанг тарзда тайёрланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 34-бет.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарк», 1998.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
4. Марков А.К. Древняя нумизматика. –М.: 1901.
5. Загороф А.Н. Монеты Тире. –М.: 1957.
6. Загороф А.Н. Античные монеты. – М.: 1951.
7. Байчевский М.Ю. Римские монеты на территории Украины. –К.: 1959.
8. История средних веков. – М.: 1956
9. Спасский И.Г. Талеры в русском денежном обращении 1654-1655 годов. –Л.: 1960.
10. Каифман И.И. Серебряный рубль в России. –М.; 1910.
11. Казаманов Л.Н. Бартымский клад византийских серебрянных монет VII века. –М.: 1957.
12. Кучеренко Э.И. Использование нумизматического материала на уроках истории в школе. Казан. 1962 год.
13. Кучеренко Э.И. Талеры в Среднем Поволжье. –Казан.: 1963.
14. Кучеренко Э.И. Нумизматика в школе. –Казан. 1961.
15. Максимов М. Очерки о серебро. – М.: 1981.
16. Беляков А.С. Нумизматика. Введения в специальные исторические дисциплины. – М.: 1990
17. Кабрин В.Б. Вспомогательные исторические дисциплины. – М.: 1989.